



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 21 июль, № 149-150 (7107-7108)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ТАРАҚҚИЁТГА, БУНЁДКОРЛИК ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аввал белгиланган вазифалар ижроси билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улуғбек шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида бўлди.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги замон ҳар қандай мамлакат олдида нефть, газ, кўмир каби қайта тикланмайдиган энергия манбаларини тежаш, ресурсларнинг муқобилидан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эhtiёжларини таъминлаш талабини қўймоқда. Юртимизда энергетика соҳасини изчил технологик модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси билан ҳамкорликда атом энергетикасини барпо этишга киришилди.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони энергия ҳосил қилувчи қувватларни қўпайтириш ҳисобига аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия билан барқарор таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илгор инновацияон технологияларни жорий этиш мақсадларини қўзда тутиди. Ушбу йўналишдаги давлат сиёсати ва атом энергетикаси соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон АЭС учун асосий хом ашё бўлган уран захираси бўйича дунёда еттинчи ўринда туради. Бу захирадан унумли фойдаланиш учун мавжуд илмий-тадқиқот базасини такомиллаштириш, замонавий бил-иммларни пухта ўзлаштирган мутахассислар тайёрлаш талаб этилади. Шу боис ЎзФА Ядро физикаси институти базасида Москва муҳандислик-физика институти филиалини очиб режалаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 17 февралдаги қарори билан янгидан ташкил этилган Ядро физикаси институтида 10 мегаваттлик илмий-тадқиқот ядро реактори ишлаб турибди. Ўнлаб радиоизотоплар ишлаб

чиқарилиб, тиббиёт муассасаларида қўлланилмоқда, 12 мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари институти ҳудудида ташкил этиладиган Москва муҳандислик-физика институти филиали лойиҳаси билан танишди. Филиал жойлашадиган кампус ўқув биноси, талабалар учун тураржой, ўқитувчилар учун меҳмонхона, ошхона, спорт майдони, дам олиш масканларини ўз ичига олади. Яшаш манзилдан ўқув корпусига келагани 600 метрлик йўл бўйлаб яшил хиббон яратилади. Филиал энг замонавий жиҳозлар, юқори технологик ускуналар билан таъминланади.

Бу институт мамлакатимизда барпо этиладиган атом электростанциясига ҳамоҳанг бўлиши керак, — деди Президентимиз. — Келгусида Мирзо Улуғбек шаҳарчасидаги эски маданият саройи ва унинг атрофи замонавий қиёфага ки-ради. Олимларнинг меҳнат қилиши, илм-фани ривожлантириш учун халқаро стандартларга мос шароитлар яратилади.

Президентимиз ушбу шаҳарча олимлар маскани бўлиши кераклигини, яқин вақтларда бу ерга бошқа илмий-тадқиқот институти-лари қўчирилишини таъкидла-ди. Шу мақсадда шаҳарча-нинг Бош режасини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди. Шаҳарча ҳудудини кенгайтириб, институтилар учун бинолар, кўп қаватли уйлар, математика ва физика фанларига ихтисос-лаштирилган мактаб, бола-лар богчаси қуриш, шаҳар маркази билан транспорт қатновини яхшилаш, ер усти метроси ҳаракатини йўлга қўйиш зарурлигини таъкид-лади.

Шавкат Мирзиёев Ядро физикаси институти залида Фанлар академияси ва ил-мий-тадқиқот институтилари вакиллари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимизда илм-фани ривожлантириш мақса-дида олимлар билан уч-рашувлар ўтказиш аънана-га айlandи. Давлатимиз раҳбари жорий йил 6 апрель куни Фанлар академияси Умумий моддалари кимёси институтида олий таълим ва ЎзФА илмий-тадқиқот институтилари раҳбарлари билан учрашувда фан билан

ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш бўйича зарур топшириқлар берган эди. Мулоқот чоғи-да бу борадаги вазифалар ижроси ҳақида сўз борди.

Илм-фанга юртимизда катта эътибор қаратилает-гани, кейинги бир йилда со-ҳага доир 11 Фармон ва қарор қабул қилингани қайд этилди. Лекин шунча сай-ҳаракатларга қарамай, ил-мий изланишлар етарлича қўллаб-қувватланмаётгани танқид қилинди.

— Илм-фанда халқимиз манфаатида хизмат қиладиган ўз йўлини топмасак, эртага ёшларимиз бизни к-чи қолмайди. Иқтисодиётимиз қачон барқарор бўлади? Фанни ривожлантирсак. Илм ўз-ўзидан бўлмайди, унга машаққатли меҳнат, давлат миқёсида эътибор керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ҳар бир илмий ишга махсулёт қилиш-тида қарадиган, унинг ҳа-ридори олдиндан аниқ бўла-диган тизим яратилсагина мақсадга эришиш мумкин-лигини таъкидлади. Илмий изланишларнинг амалиётга таътиб этилишини қўллаб-қувватлаш учун 100 милли-он доллар грант ажратили-ши, илмий-тадқиқот инсти-тутилари ҳодимларининг маошлари бир неча баро-бар оширилишини маълум қилди.

Ёш авлоднинг миллий ва жаҳон илм-фан ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштиришга интилишини рағбатланти-риш, ўқувчиларнинг фунда-ментал фан асосларини пух-та эгаллаши учун шарт-ша-роит яратиш мақсадида ик-тисослаштирилган мактаб-лар ташкил этилаётгани, мактаб ёшидан бўлгуси олимларни тайёрлаш, улар-нинг инновация ва нова-торлик қобилиятини оши-риш, иқтидорини рўёбга чи-қариш бўйича тизимли иш-ларни давом эттириш за-рурлиги таъкидланди. Соҳа-да тўлғаниб қолган муам-моларни бартараф этиш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни илмий фаолиятга жалб қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда акаде-мик фан салоҳиятидан са-марали фойдаланиш бўй-ича топшириқлар берилди.

Тадбирда Фанлар ака-демияси президенти Б. Йўлдошев, инноваци-он ривожланиш вазири И. Абдурахмонов, ЎзФА Ион плазма ва лазер техноло-

гиялари институти директо-ри Х. Ашуров, академиклар А. Асқаров, С. Баҳромов ва бошқалар мамлакатимизда илм-фаннинг ҳар бир йўна-лишини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар бошлангани, физика-мате-матика соҳаси олимлари би-лан мазкур учрашув атомни ўрганиш фани ва ядро тех-нологияларини ривожланти-ришга оид комплекс чора-тадбирларни амалга оши-риш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб олишда муҳим қадам экани-ни алоҳида қайд этдилар.

Тошкент йирик мегапо-лисга айланмоқда. Шунга монанд улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқ-да. Давлатимиз раҳбари аҳолининг талаб ва эhtiёж-и, пойтахтимизнинг келгу-си ривожланишини инобат-га олган ҳолда, Тошкент шаҳри бўйлаб ер усти ҳалқа метро линиясини қуриш бўйича топшириқ берган эди. Қисқа фурсат ичида кенг қўлмали қурилиш иш-лари бошлаб юборилди.

Президентимиз Тошкент шаҳри бўйлаб барпо эти-лаётган ер усти ҳалқа мет-ро линияси қурилиши билан танишди.

Умумий узунлиги 52,1 километрдан иборат мазкур метро йўналишининг 50,5 километри баландлиги 6 метрлик эстакадалар орқали ўтказилади. Лойиҳа-нинг умумий қиймати 422,3 миллион долларга тенг. Лойиҳа доирасида 2 мингга яқин таянч усту-нлар ва оралик тўсинлар, 13 мингга яқин темир-бетон балкалар ўрнатиш ва 35 бекат қуриш назарда ту-тилган.

Қурилиш ишлари беш босқичда амалга оширила-ди. Дастлаб Тошкент мет-рополитенининг "Дўстлик" бекатида Қўйлик бозори-гача бўлган қисми қурила-ди. 11 километрлик масо-фада 8 бекат бунёд этиш мўлжалланган.

Иккинчи босқичда Қўйлик бозори билан "Олмазор" бекати боғланади. Сўнгра бу ердан "Беруний" бекати-гача бўлган масофада кат-новлар йўлга қўйилади. Кейинги босқичда "Беру-ний"дан "Бодомзор" бекати-гача қурилиш ишлари олиб борилиб, сўнгги босқичда "Дўстлик" бекатига уланади.

Президентимиз шу йил-нинг июнь ойида ушбу қури-лиш жараёни билан тани-шиб, бунёдкорлик ишлари-

ни янада жадаллаштириш ва сифатли яқунлаш бўйича топшириқлар берган эди.

Бугунги кунга қадар халқа метро йўлининг 4 километр қисмида қурилиш ишлари амалга оширилиб, 206 та таянч устуни учун котлован қазил ишлари бажарилган. Устулар устига қўндаланг темир-бетон таянч ўрнатиш ишлари бошланган. Устулар оралигини бирлашти-рувчи 16 та темир-бетон балка ўрнатилган.

Қурилиш ишларига 60 дан ортиқ техника ва механизм-лар ҳамда 400 нафар му-ҳандис ва ишчи жалб қилин-ган. Метро қурилиши "Ўзбекистон темир йўла-ри" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилмоқда.

— Бу транспорт тармоғи ишга тушишини халқимиз интиқлик билан кутмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев. — Арзон ва хавфсиз бўлган мазкур транспорт тармоғи аҳолига ҳар томонлама қўлайлик яратади. Энг му-ҳими, бу бошқа жамоат транспортларидаги юклама-ни ўзига олади, шаҳар мар-казидаги тирбандлиқни ка-майтиради. Шунинг учун қурилишни имкон қадар тез-роқ яқунлашимиз керак.

Давлатимиз раҳбари ер усти ҳалқа метро линияси қурилишида эътиборга олиш лозим бўлган жиҳатларга алоҳида тўхталди. Бунёдкор-лик ишлари узлуқсизлигини таъминлаш, унинг атрофини ободонлаштириш, "Дўстлик" бекатида Қўйлик бозорига-ча ва Қўйлик бозоридан "Ол-мазор" бекатигача бўлган қисминин 2019 йил Наврўз байрамигача фойдаланишга топшириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Айни пайтда ҳалқа метро линиясидаги поезд ва бошқа техника воситаларини бош-қариш учун 50 нафарга яқин мутахассислар Жанубий Ко-рея ва Хитойда малака оширмоқда. Метрода ҳара-катланадиган янги поезд ва-гонлари ҳам тайёрланмоқда.

Шавкат Мирзиёев Серге-ли тумани "Чоштепа" маҳал-ла фуқаролар йиғини ҳуду-дидаги янги уй-жойлар қурилишини бориб кўрди.

Бу ерда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ажра-тилган 30 гектар ерда чет эллик инвесторлар иштиро-кида янги қурилиш техно-логиялари асосида 4 минг 20 хонадонга мўлжалланган 72 та 7 қаватли уй қурил-моқда.

Президентимиз ташаббу-си билан 2017 йилдан ма-млакатимизнинг барча ша-ҳарларида тураржойга муҳ-тож оилалар учун арзон уй-жойлар қурилиши бошлан-ди. Бундай уйлар Тошкент шаҳрида узок йиллардан бун қурилмаётган эди. Янги уйлар, асосан, қimmat тижорат уйлари бўлиб, иж-тимоий ҳимояга муҳтож ва бюджет ташкилотларида ишлайдиганлар уларни олиш имкониятига эга бўлмаган.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Сергели туманида 2017 — 2022 йилларда 500 кўп қаватли уй қурили-ши бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу йирик лойиҳанинг амалга ошири-лиши қарий 30 минг оила-нинг уй-жойга эhtiёжи-ни таъминлаш имконини беради.

Мазкур дастур ижроси доирасида 2017 йилда ту-манда 102 кўп қаватли ар-зон уй қурилиб, 4 минг 88 хонадон ўз эгаларига топширилди.

Тошкент шаҳрида барча манба ҳисобидан қарийб 28 минг хонадонли 638 кўп қаватли уй қурилмоқда. Жумладан, замонавий лойи-ҳалар асосида жами 15 минг 740 хонадонли 334 арзон уй барпо этилмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 3 баро-бар кўпдир.

Чоштепа маҳалласида қурилаётган уйлар маҳаллий бюджетга қўшимча тушум-лар ва ҳомийлар маблағла-ри ҳисобидан барпо эти-лаётгани билан аҳамиятли-дир. Уйлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфида бўлиб, хонадонлардан бир қисмини уй-жойга муҳтож ногиронларга бепул тақдим этиш, қолганларини эhtiёж-манд оилаларга вақтинча яшаб туриш учун ва кейин-чалик имтиёзли кредит расмийлаштирган ҳолда хусусий мулк сифатида бе-риш белгиланган. Мутасад-диларнинг таъкидлашича, мазкур уйлар жорий йил-нинг 20 декабрига қадар фойдаланишга топширилади.

Президентимиз қурилиш жараёни билан танишар экан, уларнинг мустаҳкам ва пишиқлигига, уларни қуришда замонавий, янги ва самарадор технологиялар-дан фойдаланилаётганига эътибор қаратди.

— Уй қурилишида ҳар жи-ҳатдан қўлай ва сифатни таъминловчи илгор техноло-гиялардан фойдаланиш қўламини янада кенгайти-ришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ма-млакатимизда бу каби уйлар қурилиши тизимли давом этади. Шу боис қурувчи кадр-ларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ёшларимиз қурилиш санао-тида энг сўнгги техноло-гияларни, инновацион ғоялар-ни ҳаётга таътиб этишга қодир бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбари уй қурилишнинг замонавий ютқ-ларини ўзлаштириш, бундай уйларни бошқа жойларда ҳам лойиҳалаштириш бўйи-ча топшириқлар берди.

Узунлиги 7,1 километр бўлган Тошкент метрополи-тенининг Сергели линияси қурилишини 2020 йилга қадар яқунлаш қўзда ту-тилган. Сергели метро линия-си ҳозиргача Марказий Осиёда қўлланилмаган бу-тунайли янги — эстакада усулида бунёд этилмоқда. Мазкур линия кўприқсимон тарзда қурилади, поездлар ер устида ҳаракатланади. Бекатларда йўловчиларга қўлайлик яратиш мақсади-да махсус лифт ва эскало-торлар ўрнатилади.

Лойиҳа қиймати 105 мил-лион долларга тенг. Унинг доирасида 265 жуфт таянч усту-н ва оралик тўсинлар ўрнатиш, 6 та йўловчи бе-кати ва 6 та электр таъми-ноти станциясини қуриш қўзда тутилган. Метронинг Сергели йўналиши Чилон-зор йўналишининг "Олма-зор" бекатидан бошланиб, "Йўлдош" ҳаёсигача бўлган ҳудуддан ўтади.

Айни пайтда лойиҳанинг 5 километр қисмида қури-лиш ишлари амалга оши-рилмоқда. 130 жуфт таянч усту-нлар ўрнатишган. Улар устига 60 та оралик тўсин-лар қўйилиб, бирлаштирув-чи балкалар ўрнатиш иш-лари бошланган.

Қурилиш ишларига 70 дан ортиқ техника ва механизм-лар, 350 нафар малакали муҳандис ва ишчилар жалб қилинган. Жорий йил якуни-га қадар 6 километр масо-фада темир-бетон конст-рукцияларни монтаж қилиш ҳамда 3 метро бекатини қуриш ишлари тугалланиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда қурилишнинг бориши-ни кўздан кечирди. Метро-ни сифатли, қўлай ва хавф-сиз қилиб қуриш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри-да қурилиши режалашти-рилган 9 қаватли уйлар лойиҳаси тақдироти ҳам ўтказилди.

Матназор ЭЛМУРДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Алоуддин ҒАФФОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот
хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят- процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 26 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲАҚИ МИҚДОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ИЛМий ВА ИЛМий-ТЕХНИК ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Фан ва олий таълим соҳаси ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг касби обрўси ва нуфузини ошириш, малакали кадрларни илмий ва педагогик фаолиятга жалб этиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, шунингдек, олимлар ва ўқитувчиларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида иш қўллагани тарқибий ўзгаришларни амалга оширишда кенг қирқоқини таъминлаш мақсадида:

(Давоми 2, 3-бетларда).



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА “ММФИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ЯДРО УНИВЕРСИТЕТИ” ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛАШТИРИШ Тўғрисида

Республика sanoat тармоқлари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

⚡ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1) **64-модданинг: биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — икки йил;
б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — тўрт йил;
в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — саккиз йил;
г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн тўрт йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади»;

бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас»;

еттинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ушбу Кодекснинг 150–157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244²-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

2) **69-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ушбу Кодекснинг 150–157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244²-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

3) **241¹-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлари қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига қирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши, —
икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёҳуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
Уша қилимиш:
а) такроран содир этилган бўлса;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;
в) оғир оқибатларга сабаб бўлса, —
муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда;

2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **187²-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тафтиш ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан иборатдир.

Зарур бўлган тақдирда, текширилаётган субъектнинг ҳужжатлари ҳажми, фаолиятининг тури ва қўламлари ҳисобга олинган ҳолда, тафтиш муддати молия-ҳўжалик фаолиятининг тафтишини ўтказувчи шахснинг асослантирилган илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг розилигига кўра ёҳуд суднинг ахрими билан:

тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўттиз календарь кунга;

давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилишининг ушбу Кодексда белгиланган муддатларидан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин»;

2) **331-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган фактлар бўйича тадбиркорлик субъектига нисбатан жиноят ишини кўзғатишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёҳуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг розилиги билан йўл қўйилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **72-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш (бундан жисмоний шахсларнинг

ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан томорқа ер участкаларини сугориш учун ер ости сувларини якка тартибда олишга мўлжалланган қудуқларни қазиш ҳоллари мустасно), ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикаслантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлашга, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялашга ёки йўқ қилишга доир чораларни кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувлари ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашишининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ ҳўжалиги иншоотларини ва бошқа объектлари жойлаштириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **74-модда:**

биринчи қисмидаги «ер ости сувли қатламлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитларини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш, бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини сугориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —
фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **126-модда:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«126-модда. Кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш»;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Техник регламентга мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш»;

4) **152-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат стандартлари» деган сўзлар «техник регламентлари ёки давлат стандартлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **153-модданинг номидаги ва диспозициясидаги** «тармок» деган сўз чиқариб ташлансин;

6) **173-модданинг номидаги ва диспозициясидаги** «Стандарт талабларига ёки техник шартларга» деган сўзлар «Техник регламентларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **212-модда:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«212-модда. Техник регламентларга ёки стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этмаслик»;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳўжалик фаолияти субъектларининг техник регламентларга ёки стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этмаслиги»;

учинчи қисмининг диспозициясидаги «стандартларнинг мажбурий талабларига» деган сўзлар «техник регламентларга ёки стандартларнинг мажбурий талабларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **214-модда:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«214-модда. Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиш»;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг), сертификатлаштириш органларининг ва аккредитация қилинган синов лабораторияларининг (марказларининг) маҳсулотни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиши»;

9) **219¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«219¹-модда. Рангли металлрни, уларнинг парчалари ва резги-чиқитларини, шунингдек қора металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни сотиш қоидаларини бузиш

Қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металлрни, уларнинг парчалари ва резги-чиқитларини, шунингдек қора металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни сотиш қоидаларини бузиш, —

рангли металларни, уларнинг парчалари ва резги-чиқитларини, шунингдек қора металл парчалари ва резги-чиқитларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «74-моддасининг биринчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **265-модда:**

биринчи қисмидаги «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан» деган сўзлар «Техник регламентларга, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин:

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан» деган сўзлар «техник регламентларга, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
иккинчи ва учинчи хатбошларидаги «стандартлар» деган сўз «техник регламентлар, стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **324³-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «бир ой» деган сўзлар «икки ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишни таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 3–8, ва 11-бандлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 20 июль № УРҚ—485	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲАҚИ МИҚДОРINI ЯНАДА ОШИРИШ, ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШINI ДАВЛАТ ТОМОНIDАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

⚡ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3655-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари миқдорлари 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб табақалаштирилган ҳолда ўртача 25 фоизга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг:
2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи миқдорини 2 баравар ошириш;

2018 йил 1 сентябрдан илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган илмий-тадқиқот муассасалари муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақи миқдорини эгаллаб турган лавозими ва илмий фаолият соҳасидан келиб чиқиб, 30 фоиздан 100 фоизгача табақалаштирилган миқдорда ошириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети


маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган илмий-тадқиқот муассасаларининг муҳандис-техник ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи миқдори қуйидаги икки босқичда оширилсин:
2019 йил 1 январдан — 20 фоизга;
2019 йил 1 июлдан — 25 фоизга.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги 2018 йил 25 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимлари ва илмий-тадқиқот муассасалари муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақи миқдорини ушбу қарор талабларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талабларига мувофиқ 2018 йил 1 ноябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошларини тасдиқласин.

(Давоми 3-бетда). ⚡



ЯРИМ йилга БИР назар

Мамлакатимиз ҳаётида 2018 йилнинг дастлабки олти ойида янгилинишлар, ташаббуслар, эзгу ишлар кенг қулоч ёйди. Халқ манфаати йўлидаги ислохотлар, қолаверса, ташқи сиёсат, ижтимоий соҳа, илм-фан, қишлоқ хўжалиги йўналишларида давом этган улкан ўзгаришлар жараёни нафақат юртдошларимиз, шу билан бирга, жаҳон ҳамжамияти, турли мамлакатлар етакчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг доимий диққат марказида бўлиб турибди. Чунончи, шу йил январь — июнь ойларида еттига олий даражадаги ташрифлар алмашинуви, 20 дан ортиқ давлат ва халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари билан учрашув ҳамда музокаралар ўтказилди, 89 та халқаро шартнома ва битим имзоланди, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар раҳбарлари даражасида 120 та ташриф уюштирилди.

Куйида республикаимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида 2018 йилнинг биринчи ярми давомида билдирилган юзлаб фикрлар, эътирофлардан энг муҳимларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

**Режеп Таййип ЭРДҶОН,
Туркия Республикаси
Президенти:**

— Осиёнинг юрагида, Шарқ билан Ғарб, Жануб билан Шимолни туташтирган Мовароуннахрнинг марказида жойлашган Ўзбекистонда ўзимизни худди уйимиздагидек ҳис қиламиз. Туркистон маданияти пайдо бўлган ва ривожланган бу замин Беруний, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино, Хоразмий, Али Қушчи каби дунёга зиё та-

ратган, инсоният мақомини юқорига кўтарган алломаларни етиштириб берган. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби етук маънавият намояндалари шу жойнинг, шу юртнинг туҳфасидир. Улар абадиятга кетган бўлсалар-да, қолдирган мерослари фақат Ўзбекистонни эмас, Онадолуни ҳам ёритиб турибди.

Қадрли қардошим, муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев

билан давлатларимизни янада ривожлантириш учун амалда ҳамжиҳатлик руҳи билан иш олиб бораёلمиз.

Шавкат Мирзиёевнинг ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган муҳим қадамлари Ўзбекистонни инвесторлар учун янада жозибали ва ишончли давлатга айлантирмоқда. Ўзбекистон ислохотлар ва тараққиёт бора-сида жуда тез одимлар таш-ляпти.

**Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти:**

— Мен учун Ўзбекистон етакчиси билан учрашиш улкан шарафдир. У ўз мамлакатида ҳам, унинг ташқарисида ҳам катта ҳурмат-эътибор қозонган. Биз турли масалалар юзасидан яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Президент Мирзиёев мени ишонтириб таъкидладики, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ислохотлар дастури бардавом ва муқаррардир. Аминманки, Президентнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратаётган эътибори халқ ҳаётининг янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади. Биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Ўзбекистонда ҳисобдорлик ва шаффофлик масалалари янада яхшиланишига эриша оламиз. Бу эса Америка компанияларининг фаолияти учун мустақкам замин ҳозирлаб, мамлакатларимизда бандлик даражасини оширишга ёрдам беради.

**Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси
Президенти:**

— Сизнинг Россияга ташрифингиздан сўнг жуда кўп нарса ўзгарди ва бу ижобий ўзгаришлардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси сезиларли суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ўтган йили бу кўрсаткич 33,9 фоизни ташкил қилган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида 43 фоиздан ошди.

Йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, мамлакатимизнинг биргина “Лукойл” компанияси Ўзбекистонга 7 миллиард доллар инвестиция киритди. Сизнинг ташаббусингиз билан чегаралардан ўтишда “яшил йўлак” ташкил этилгани натижасида Ўзбекистон мева-сабзавотларини етказиб бериш қарийб 36 фоиз ошди. “Лукойл” ва “Газпром”дан тошмика компанияларимиз ҳам, жумладан, машинасозлик соҳасида иш юритмоқда. Йирик, кичик ҳажмдаги бу компаниялар сони мингга яқинлашди.

**Нурсултон НАЗАРБӨЕВ,
Қозоғистон Республикаси
Президенти:**

— Шавкат Мирзиёев мамлакатга раҳбар бўлганидан сўнг, ўтган вақт мобайнида бир неча бор учрашдик ва қайси масалаларни гаплашган бўлсак, ҳаммаси изчил рўёбга чиқмоқда, режалар бажарилмоқда. Ушбу қисқа даврда Ўзбекистон етакчиси катта ишларни амалга оширди, қўшнилар билан яқин муносабатларни йўлга қўйиб, бир неча ўн йиллардан буюн ҳал этилмаган муаммоларни ҳал қилди. Бўлаётган ислохотлар учун Шавкат Мирзиёевдан миннатдорман ва бу бутун минтақамиз мамлакатлари ҳаётига кучли таъсир кўрсатмоқда.

**Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ,
Туркменистон
Республикаси
Президенти:**

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада муттасил ривожланмоқда. Туркменистон ва Ўзбекистон тинчликсевар давлатлар, яхши қўшнилар сифатида танилган. Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Туркменистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга тайёр.

**Имомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси
Президенти:**

— Тожикистон томони Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган, республика салоҳиятини мустақамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг халқаро нуфузини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ўзгаришлардан мамнун.

Тожикистон Республикаси раҳбарияти минтақавий ҳамкорликни фаоллаштириш, хусусан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашувлари бўйича учрашувларни мунтазам ташкил қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлайди.

**Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ,
Қирғизистон Республикаси
Президенти:**

— Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги, балки бутун минтақадаги ҳамкорлик жараёнларига ижобий руҳ олиб кирди. Ишончим комилки, йўловчи ташиш маршрутларини қайтадан ишга тушириш, транзит йўналишларини очиш ва транспорт йўлакларини яратиш, шунингдек, экспорт-импорт маҳсулотларининг мунтазам етказиб берилиши оддий одамлар ҳаётини яхшилаб, савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни ривожлантиришга хизмат қилади. Биз Марказий Осиё давлатлари етакчиларининг доимий учрашувларини ташкил этиш борасидаги Ўзбекистон ташаббусига тўлиқ қўшиламиз ва бу гоёнинг рўёбга чиқиши учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз.

**Мухаммад Ашраф ҒАНИ,
Афғонистон Ислом
Республикаси Президенти:**

— Ўзбекистон халқи Сизга ишонч билдириб, Президент этиб сайлади. Ўтган вақт ичидаги ўзгаришлар бу ишонч тўғри бўлганини намён этди. Ўзбекистон 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни ри-

вожлантирмоқда, барча масалаларни ҳал этяпти. Ўзбекистоннинг ташаббуслари ва амалий саъй-ҳаракатлари минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизнинг янги даври бошланганидан мамнунимиз. Умид қиламизки, бу муносабатларимиз ойма-ой, кунма-кун янада мустақамланиб бораверади.

**Александр
ЛУКАШЕНКО,
Беларусь
Президенти:**

— Кейинги йилларда, балки ундан сал кўпроқдир, агар янги даврни олиб қарайдиган бўлсак, менинг дўстим Шавкат Мирзиёев бошчилигида Беларусь — Ўзбекистон

алоқаларида ўтган 20 йилдан кўра кўпроқ иш қилинди. Бу ерда менинг хизматларим минимум. Бу Ўзбекистон Президентининг хизматлари. У оқил ва иқтидорли инсон.

Ўзбекистон бу вақт ораллиғида халқаро муносабатлар ҳамда иқтисодий соҳани тубдан ислох этишда кўп ишларни

амалга оширяпти. Ўйлашимча, дунёдаги устига-устак, собиқ иттифоқ худудидаги бирорта давлат бу ишларни ўз вақтида қила олмади. Мазкур саъй-ҳаракатларга фақат қойил, дейман. Ўзбекистон дунёга очилди. Қисқа вақт ичида максимум натижаларни қўлга киритяпти.

**Томас ГРЕМИНГЕР,
Европада хавфсизлик ва
ҳамкорлик ташкилоти
Бош котиби:**

— Кейинги пайтларда шахсан гувоҳ бўлдимки, Марказий Осиёда, айниқса, Ўзбекистонда жамиятни ислох қилиш жараёнларида, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда бу таҳдидларнинг олдини олишга катта аҳамият берилмоқда ва бунда ёшларга муносиб яшаш, таълим олиш шароитларини таъминлаш бош омил сифатида кўрилмоқда. Мен буни жуда ижобий ҳолат деб ўйлайман.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2250 ва 2419-резолюцияларида илгари сурилган ғоялардан келиб чиқадиган бўлсак ҳам, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда ёшларнинг салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини тан олиш муҳимдир. Бугун ёшларнинг овозини эшитиш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш жуда муҳим. Бу борада Ўзбекистонда сўнгги икки йил ичида амалга оширилган ислохотлар диққатга сазовор.

**Зайд Раад
ал-ҲУСАЙН,
БМТнинг Инсон
ҳуқуқлари бўйича
Олий комиссари:**

— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси инсон ҳуқуқларининг барча жабҳасини қамраб олгани алоҳида эътиборга молик. Унда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишга оид белгиланган вазифаларни амалга оширишда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси иштирок этуши, яъни халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни тайёрлаш учун ўқув машғулотларини ўтказишимиз, маслаҳат-қўмақ кўрсатишимиз мумкин.

Биз бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ҳар томонлама самарали ҳамкорликни таъкирмиз.

**Ламберто ЗАНЬЕР,
ЕХХТнинг камсонли миллатлар бўйича
Олий комиссари:**

— Ўзбекистондаги таълим ва бошқа соҳаларда халқаро келишувни таъминлаш бўйича ҳолат ижобийлигига гувоҳ бўлдим. Умуман, миллатлараро муносабатлар йўналишида конструктив сиёсат олиб бориляпти. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатда бағрикенгликни мустақамлаш йўлида янги имкониятлар очилмоқда. Айни шу жараёнга бизнинг ташкилот ҳам муносиб ҳисса қўшишга тайёр.

**Эдуард СТИПРАЙС,
Европа иттифоқининг Ўзбекистондаги
делегацияси раҳбари:**

— Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустақамлашда муҳим ўрин тутди. Мамлакат раҳбарияти томонидан сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш бўйича қатъий қадамлар ташланди. Бу саъй-ҳаракатлар минтақада бутунлай янги муҳитни шакллантирмоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши биз учун жуда муҳим. Мамлакат раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган ва халқ томонидан қўллаб-қувватланган Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётига изчил татбиқ этилиши катта натижа беради. Европа иттифоқи минтақада, жумладан, Ўзбекистонда кечаётган ижобий ўзгаришларни, яъни янги иқтисодий тизимлар яратилишини, қонунчилик базаси такомиллаштирилишини, барқарор тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлайди.

**Наталья ГЕРМАН,
БМТнинг Марказий Осиёда
превентив дипломатия
бўйича минтақавий маркази раҳбари:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, чуқур иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилгандир. Зеро, мамлакатингиздаги ўзгаришлар бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатмоқда. Фаол ташқи сиёсат яхши қўшничилик муносабатларида дўстлик муҳитини яратишга ёрдам беради. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Юқори даражадаги ташрифларни фаоллаштириш фақат фойда беради. Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги давлатлар, яъни ўз қўшнилари билан муносабатларни мустақамлашга катта эътибор қаратаётгани диққатга сазовордир. Бу ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, сувдан фойдаланиш каби мураккаб масалаларни ҳал қилишга имкон беради. Ҳатто яқин ўтмишда ҳам Марказий Осиё республикаларида бу масалаларни муҳокама этиш қийин кечди. Ва энди ишончли ҳамда очиқ мулоқот мавжуд. Ҳал қилиниши лозим бўлган қалтис масалалар қўлами борган сари камаймоқда.

**Томас ШЭННОН,
АҚШ Давлат котиби муовини:**

— Шавкат Мирзиёев қисқа даврда катта ишлар қила олган лидер. Ўзбекистонни қўшниларга очди ва минтақа унга ижобий жавоб берди. Афғонистон анжумани унинг минтақавий фаоллигининг яққол исботи. Масалани, ўз ташаббусини халқаро майдонга олиб чиқди ва олқишланди.

**Муфтий Альбир хазрат КРҒАНОВ,
Россия мусулмонлари диний жамоасининг раҳбари:**

— Ўзбекистондаги қадимий шаҳарлар бугун буткул ўзгача шукҳга эга бўлиб, замонавий қиёфа касб этиб бораётир. Дунёнинг қайси қитъасидан бўлмасин, диний эътиқоди, миллати, ирқидан қатъи назар, Аллоҳнинг назари тушган бу юртга башариёт аҳлининг ҳаваси келаётгани ҳам чин ҳақиқатдир.

Яқин орада қишлоққа йўлингиз тушдими? Агар шахар шовқин-суронларидан сал олисланган бўлсангиз, чекка ҳудудларда рўй бераётган ўзгаришларга гувоҳ бўлганингиз аниқ, Чунки охириги йилларда одамларни қийнаётган муаммолар секин-аста ечимини топиб, юртимизнинг узоқ манзилларида ҳам ҳаёт жонлана бошлади.

Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган устувор вазифалар самараси яқин беш йилда эмас, балки дастлабки 1-2 йил ичида ўз натижасини бераётганидан яққол далолатдир. Буни биргина энергетика тизимидаги ўнгланиш мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шубҳасиз, қишлоқ аҳолисини энг кўп ўйлантираётган масала, бу — электр энергияси таъминотидаги беқарорлик, пайдар-пай узилишлар эди. Агар ўша кезлар Мўйноқ, Томди ёки Чирокчининг чекка қишлоғига тунда меҳмон келса борми, ўзини худди ўтган аср бошларига тушиб қолгандек ҳис қилиши бегумон. Бойси мойчиқроқларнинг милтиллаб турган шуъласидангина бу ер аҳоли яшаш пункти эканлигини англаш мумкин эди.

Ҳали тўлиқ газлаштирилмаган, ичимлик суви таъминоти билан етарлича қамраб олинмаган жойларда атиги 5-6 соат электр токи берилиши қишлоқ аҳолисининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди. Ана шундай оғир бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан одамларнинг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми истикомат қилаётган қишлоқларда шахардагидан қолишмайдиган обод турмуш тарзини қарор топтиришга жиддий эътибор қаратила бошланди. Натижада қадди букилиб қолган симёғочлару унинг салқиб қолган симларини янгилаш, зўрға ишлаб турган трансформатор пунктларини модернизациялаш ишлари жадаллашиб кетди. Бу эса толган “движок”, топмаган мойчиқроқнинг хира ёғдусига қўниқиб қолган одамлар қалбида умид учқунларини ёлқинлантириб юборди.

Маҳкам ЖАЪФАРОВ,
Сариёсё туманидаги 7-сонли мактаб ўқитувчиси:

— Яқин-яқингача, ҳатто бундан атиги 1,5-2 йил бурун ҳам кўпи билан суткада 5-6 соат электр бериларди. Шунда ҳам “лип-лип” узилишлар оқибатида қўл телефонини қувватлантиришга ҳам улгур-масдик.

Касбим — ўқитувчи. Чироқ йўқлиги ўқитувчининг ўз устида ишла-ши, қўшимча манбаларни излаши, ўқувчининг эса уй вазифаларини тайёрлашида катта қийинчилик туғдирарди. Мактабимиздаги компьютер синфлари эса шунчаки “кўрғазмали восита”га айланиб қолганди.

Холбуки, бизнинг қишлоғимиз Тўпаланг гидроэлектр станцияси-нинг шундоққина биқинида жойлашган бўлиб, ёнимиздан оққан сув-дан бебаҳра қолаётганимиз, ростки, алам қиларди. Одамларнинг фи-гонидан дуд чикарди.

Мана, ҳозир ҳаммаси изга тушиб кетди. Бўлар экан-ку?!

МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ ТОПИЛДИ

Ҳозирги замонда электр энергия-сисиз кундалик турмушимизни тасав-вур қилиш қийин. Беминнат дастёри-миз бўлган маиший техникалар ҳам, иссиқ-совуқда ҳузурижон кондиционе-ру хозодильник ҳам ток билан ишлай-ди-да. У бўлмаса, қимматбаҳо теле-визор “кўр”, қўл телефони “соқов”га айланади. Бундай кезларда ўзингиз-ни дунёдан узилиб қолгандек ҳис қила бошлашингиз тайин.

Аслида, иқтисодиётнинг мазкур му-ҳим тармоғидаги муаммо кеча ёки бу-гун пайдо бўлиб қолгани йўқ. У худди битмас яра каби йиллар давомида мадда боғлаб, охири “ёрилади”. Ҳўш, бир қадам олдинда юриши керак бўлган энергетикамиз нега оқсоқла-ниб қолди? Муаммонинг илдизи қаер-га бориб тақаллади?

— Чиндан ҳам, энергетика таъми-нотидаги муаммолар бирданига юза-га келгани йўқ, — дейди “Ўзбекэнер-го” акциядорлик жамияти Миллий диспетчерлик маркази тизим опера-тори бошлиғи Абдурашид Мирзаев. —

ЭҲТИЁЖ ИМПОРТ ҲИСОБИГА ТАЪМИНЛАНДИМИ?

Таҳлилларга қараганда, мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб йилгига 5-6 фоиз ўсмоқда. Шунинг учун 2018 йилги электр энергияси ишлаб чиқариш баланси 4 милли-ард киловатт/соат ошири-либ, 69,1 миллиард кило-ватт/соат этиб белгилан-ган. Унинг қарийб 88 фоиз иссиқлик электр стан-циялари улушига тўғри ке-лади. Бунча қувватни ҳосил қилиш учун эса 16,5 мил-лиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ва 3,4 миллион тонна кўмир сарфланади.

Куз мавсумида керакли миқдордаги кўмир захира-си яратилиб, табиий газ ва бошқа ёқилғи турлари уз-

луксиз етказиб берилаёт-гани туфайли чекловлар даярли бартараф этилди. Иқтисодиёт тармоқларига ҳам, ижтимоий соҳа объект-ларига ҳам, аҳолига ҳам электр энергияси мароми-да тақсимланаяпти. Маса-лан, жорий йилнинг бирин-чи ярмида истеъмолчилар-га 24 миллиард 465,5 мил-лион киловатт/соат, шу жум-ла-дан, аҳолига ўтган йил-нинг шу давридагидан 553 киловатт/соат кўп, жами 6 миллиард 504,6 мил-лион киловатт/соат электр қуввати узатилди.

Сир эмас, аҳоли ўртаси-да энергетика тизимидаги бугунги барқорорлик им-порт эвазига таъминланаяп-ти, деган гап-сўзлар ҳам

“Бугунги кунда аҳоли ва корхоналар томонидан электр қуввати етказиб бериш масаласида кўплаб эътирозлар мавжуд эканини очик тан олиш керак. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимиз бўйича 67 фоиз паст кучланишли электр тармоқлари эскирган бўлиб, трансформатор пунктлари зўриқиб ишламоқда. Куз/қиш мавсумида уларни алмаштириш бўйича бажарилаётган ишлар эса масалани тубдан ҳал этаётгани йўқ...

Беш йил давомида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, 25 минг 300 километр паст кучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, 5 минг 600 та эскирган трансформатор подстанцияларини алмаштириш назарда тутилган”.

Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузасидан.



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИДАГИ ЧЕКЛОВЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Аҳолини йиллар давомида қийнаб келган ушбу оғриқли масала қандай ҳал этилди?



Ўзбекистон — энер-гетика ресурсларига бой мамлакат, дея гурурланамиз. Чиндан ҳам, шундай. Юрти-мизда энергиядан, ху-сусан, унинг қайта тикланувчи манбала-ридан ҳам фойдала-ниш имконияти ғоят-да юқори. Ҳақли са-вол туғилади: унда нега электр энергия-си таъминотида муа-молар бу қадар ўриб кетди?

Мутахассисларнинг фикрича, шу пайтга қадар соҳада, асосан, битта йўналиш билан чегараланиб қолинган.

Эътибор қилинг, фа-қат гидроэнергетика жабҳа-сида ўзлаштирилиши мум-кин бўлган ресурслардан оқилона фойдаланилса, йил-гига 27,4 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чи-қариш мумкин. Бироқ ҳозир-ги пайтда ушбу салоҳият-нинг атиги 23,7 фоизи ўзлаштирилган, холос. Нега? Негаки, гидроэнергетика-ни ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш, мавжудлари фаолиятини эса

такомиллаштириш эъти-бордан четда қолиб кетган. Имкониятлар тўлиқ ишга солинмаган. Президентимиз ташаббу-си билан ўтган йили “Ўзбекгидроэнерго” акция-дорлик жамияти ташкил этилган, тарқоқ бўлиб қолган соҳа корхоналари бирлаштирилди. Шу та-риқа экологик тоза ва ар-зон электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш сари муҳим қадам ташланди. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ-дан маълум қилишларича,

ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНИАТ

республикамиздаги мавжуд 36 та гидроэлектр станция-сида йилгига ўртача 7 мил-лиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарил-моқда. Бу япни қувватнинг атиги 15 фоизини ташкил этади, холос.

2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тад-бирлари дастури мазкур кўрсаткични кескин оши-

Мақсёт БЕГДУЛЛАЕВ,
Нукус туманидаги “Саманбай” ҚФЙ оқсоқоли:

— Электрдаги узилишлар сабабли на бемалол телевизор кўролардик, на музлаткич, на кондиционер ишлатардик. Ша-ҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовут шу даражага етганди. Аслида, муаммо илдизи у қадар чуқур эмас экан. 353,5 миллион сўмлик лойиҳадан сўнг худудимизда бу ма-сала узил-кесил ҳал бўлди. Ушбу маблаг эвазига 4 кило-метрдан зиёд электр ҳаво тармоғи тортилиб, 2 та янги транс-форматор ўрнатилди. Энди ҳамма жой қарогон. Қалбимизга нур кирди.

Яратилган бундай муайнликдан қишлоғимизнинг 1315 на-фар аҳолиси жуда қамқун.

ришда айна муддао бўлмоқ-да. Унга қўра, беш йил ичи-да 42 та янги ГЭС қурили-ши ҳамда 32 та мавжуд ГЭС-ни модернизация қилиш кўзда тутилган. Дастур иж-

ишларига киширилди.

Ушбу технология янгилаш лойиҳасининг умумий қиймати 74 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, шундан қарийб 63 миллион доллар Хитой “Эксимбанк”и томонидан молиялаштири-лади. Бунинг ҳисобига гид-ротурбиналар ва эскирган агрегатлар замонавийсига алмаштирилади, илгор усу-на ва жиҳозлар билан таъ-минланади. Пировардида ГЭСлар, масалан, “Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади” унитар корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми ўрнатилган қувват, яъни 50,9 мВтга ет-казилади. Бу Тошкент вило-ятининг Зангиота, Янгийўл ва Чиноз туманларининг электр энергияси билан таъ-миноти тубдан яхшиланади, деганидир!

МУҚОБИЛ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛ

Улкамиз табиий иқлим шароити, географик жойлашувидан келиб чи-қиб, хорижлик ҳамкорлар кўмағида энергетиканинг янги йўналишларини ўзлаштириш саъй-ҳаракатлари бош-лаб юборилгани қувонарлидир. Айтай-лик, германиялик мутахассислар то-монидан Қорақалпоғистон Республи-каси, Хоразм ва Навоий вилоятлари-да мунтазам эсиб турадиган шамол йўллари аниқланди. Бу эса умумий қуввати 3000 МВтлик шамол электр станциялари қурилиши бўйича лойиҳалар ишлаб чиқишга туртки бўлди. Уларнинг дастлабкисининг қув-вати 100 МВтга тенг бўлиб, “Siemens” компанияси (Германия) томонидан барпо этилади.

дан Зарафшонда бунёд этилади. — Бундан ташқари, кўплаб хусусий компаниялар Навоий, Сурхондарё, Наманган ва бошқа вилоятларда қув-вати 2000 МВтлик куёш электр стан-цияларини қуриш тақлифини билди-ришмоқда, — дейди Абдурашид Мирзаев. — Улар “Ўзбекэнерго” ак-циядорлик жамияти ҳамда бошқа масъул идоралар томонидан кўриб чиқилаяпти. Ушбу йўналишдаги энг йи-риқ лойиҳа ижросига, ҳадемай, Са-марқанд вилоятида қиришпилади. Уму-мий қуввати 1000 МВТга тенг мазкур куёш фотоэлектр станциялари Кана-данинг “SkyPower Global” компанияси томонидан барпо этилади.

ЭНЕРГЕТИКАДА ТУБ БУРИЛИШ

Жаҳон тажрибасидан ҳам маълумки, куёш, шамол электр станциялари энергия-га бўлган эҳтиёжнинг муайян қисминигина таъминлайди, холос. Шу боис аксарият давлатлар соҳа келажагини атом энергетикасида кўрмоқда.

Халқаро атом энергетика-си агентлиги — МАГАТЭ маълумотларига қараганда, бугунги кунда жаҳоннинг 30 дан зиёд мамлакатлари-да 451 энергоблокка эга бўлган 191 АЭС самарали фаолият кўрсатапти. Ядро реакторлари бўйича етакчи ҳисобланган АҚШ, Франция каби мамлакатларда электр энергиясига бўлган эҳтиёж-нинг 72,3 фоизи АЭС

томонидан қолланади. Яқин келажақда дунё бўйича 96 та АЭС қурилиши режалаштирилган бўлса, шун-инг қарийб 60 таси Осиё мамлакатлари улушига тўғри келади. Жумладан, Қозғис-толда жорий йилда илк шун-дай иншоот қурилишига ки-ришилади. Уран захиралари бўйича жаҳонда тўртинчи, уни ишлаб чиқаришда эса еттинчи ўринда бўлган Ўзе-бекистонда тинчлик йўлида атом энергетикасига асос солинаётгани иқтисодиёт тармоқларида мисли кўрил-маган ютуқларга замин яра-тиши айtilмоқда. Сабаби Россиянинг “Росатом” давлат корпорацияси билан ҳамкор-ликда қуриладиган мазкур

мажмуа 2 энергоблоқдан ибо-рат, хар бирининг қуввати 1 минг 200 МВтга тенг бўлади.

2028 йилгача тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган ушбу АЭС йилига 3,7 мил-лиард куб метр табиий газ-

Умуман олганда, энергетика тизимида 2030 йил-гача 7-8 минг МВтлик янги қувватларни ишга туши-риш, электр узатиш тармоқлари, трансформатор пунктларини тубдан янгилаш бўйича йирик инвести-циявий лойиҳалар ҳаётга измил татбиқ қилинаяпти. Бундан қўзланган асосий максад — аҳолини муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан бири бўлган электр энергияси билан барқорор ва қафолатли таъминлаш, ҳеч бир нукта, ҳатто энг олис ҳудудларда ҳам чекловларга йўл қўймаслиқдир. Зеро, инсон ҳаётда бир марта яшар экан, ислохотлар самарасини келажақда эмас, бугун кўришга, фароғатда яшашга ҳақлидир.

Самд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВОНИНГ ҲАМ ТАЪСИРИ БОР

Мутахассисларнинг айтишича, электр энергияси сарфиди об-ҳаво му-ҳим роль ўйнайди. Масалан, шу йил-нинг биринчи чорағида белгиланган ба-лансдагидан 500 миллион киловатт/соат ҳам электр энергияси ишлаб чи-қарилди. Буни ёқилғи ҳаражатига ча-қадиган бўлсак, қарийб 170 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинди, деганидир.

Қиш мавсуми анча илиқ келиб, ток-ка талаб нисбатан камайгани туфайли шундай тежамкорликка эришилди. Бироқ ёз ойларида ҳароратнинг кўта-рилиши натижасида кундалик энергия сарфи ошмоқда. Бундай зўриқиш пай-тида тармоқдаги узилишларнинг олди-ни олиш учун қандай чора-тадбирлар қўрилаяпти? Аксарият қувватлар модер-низация қилинаётган ҳозирги кунда эҳтиёжга яраша ток ишлаб чиқариш имконияти борми?

— Албатта, авариявий ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган қисқа муддатли узилишларни ҳисобга олма-ганда, таъминотда чекловларга йўл қўйилмайди, — дейди “Ўзбекэнерго” АЖ иссиқлик электр станцияларидан фойдаланиш бошқармаси бош мутахас-сиси Акмал Шарипов. — Мавжуд 10 та ИЭСнинг амалдаги қуввати 9 минг 968 МВТга тенг. Уларни модерниза-циялаш ҳисобига техник соз ҳолатга келтирилиши баробарида, янги қувват-лар яратилаяпти. Масалан, биргина 2016-2017 йилларда Толлимажорнда иккита буғ-газ қурилмаси, Тошкент ИЭСда битта буғ-газ қурилмаси, Ангрэн ИЭСда янги энергоблок ишга туширилиши ҳисобига 1200 МВТдан ортиқ қўшимча қувват вужудга келди. Бу ҳам таъминотдаги чекловларнинг бартараф этилишида айнаи муддао бўлди. Қиёслаш учун айтиш керакики,

ўтган чорак аср давомида атиги битта энергоблок фойдаланишга топширилган эди, холос.

Тўғри, бундай инвестициявий лойи-ҳалар ижроси катта маблаг билан боғ-лиқ. Аммо иш тўғри ташкил этилса, сармоялар аниқ йўналтирилса, бу жа-раён мураккаблик туғдирмайди. Охири-ги йилларда айнаи ушбу йўналишда ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар шундай дейишимизга асос бўла ола-ди. Улар орасида Наманган вилоятида қурилаётган қуввати 900 МВТга тенг Тўрақўрғон иссиқлик электр станция-сининг алоҳида ўрни бор. Сабаби бу иншоот энг оғир ҳудудлардан бири са-налган Фарғона водийсида таъминот-ни тубдан яхшилайди. Айнаи пайтда бу ерда Япониянинг “Mitsubishi Corporation” ва “Mitsubishi Hitachi Power Systems, Ltd.” компаниялари консорциуми томонидан қурилиш-монтаж ишлари жадал суръ-атларда олиб борилмоқда. У 2019-2020 йилларда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.



ХАЛҚ МАНФААТИНИ УСТУН ҚЎЙИШ

ҳар бир тармоқ олдидаги муҳим вазифага айланыпти

Бугун банклар халққа, бир қадам бўлса-да, яқинлашмоқда. Эндиликда банк биносига кириш учун шахсингизни тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим қилишингиз, “зашик оғалари”нинг рухсатини кутиб ўтиришингиз шарт эмас. Банклар халқ ичига киришга, миқозлар манфаатини ўйлаб хизмат кўрсатишга интиляпти. Зеро, бу юртимизда инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилаётган ҳозирги давр талабига айланди, десак, аини ҳақиқат.

Бугун қайси соҳа — хоҳ хизмат кўрсатувчи, хоҳ ишлаб чиқарувчи бўлсин, бажарилаётган юмушлар ўзгача — талабга мос. Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, хусусан, банк тизимидаги ишларни мутлақо янги босқичга кўтарувчи муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Ўзгаришлар останадаёқ сезилади

— Биласиз, тадбиркорнинг вақти ҳамиша тигиз бўлади, — дейди пойтахтлик ишбилармон Абдувоҳид Ахунжонов. — Яъни у ҳар доим иши ҳақида ўйлайди. Бизнесни ривожлантириш, янги лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳаёлида юради. Шундай пайтда бирор ташкилотга кирганингизда қилиб қарши олишса, ишингизни тезроқ ҳал қилиб беришса, ўз-ўзидан кайфиятингиз кўтарилади. Шу маънода, ҳозир банкларимизда кўрсатилётган хизматлар ҳар жиҳатдан бизни мамнун этмоқда. Масалан, илгари банк билан боғлиқ бирор оддий ишни битириш ҳам вақтимизни ўғирларди. Мутахассисни кутишга ёки бошқа кунни келишга мажбур бўлардик.

Сўхбатдошимизни “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Яшнобод филиалига киравертганида учратгандик.

Чиндан ҳам, аини пайтда мазкур филиал бугунги кун талабига мос фаолият юритмоқда. Ичкаридаги ишчанлик, очкилик ва самимийликни останадаёқ англайсиз. Хизматлар мажмуасида кутиб олишдан тортиб, чиқиб кетгунча бўлган барча жараён инобатга олинган. Ваҳоланки, бундан атмиги уч-тўрт йил аввал банкларда бундай ўзига хос муҳитни қўриш мушкул эди. Оддий хизмат, айтайлик, компьютердан шундоқ қараб, билиб бериш мумкин бўлган маълумотни олиш учун ҳам айнан ўша компьютерда ўтирадиган мутахассисни кутиш керак эди. Аслида, уни бошқа ходим ҳам қараб, айтиб бериши мумкин. Чунки...

— Чунки олдин молия муассасаларидаги операторлар фақатгина ўзининг йўналиши бўйича хизмат кўрсатарди, — дейди филиал бошқарувчиси Жамол Латипов. — Жорий этилган янги тизим асосида эса улар ҳар қандай молиявий операцияни амалга ошириш имкониятига эга. Миқозни қайси оператор бўш бўлса, электрон навбат орқали қақариб олади ва унинг банк билан боғлиқ барча иши шу ерининг ўзида ҳал қилиб берилади. Илгариғидек, “Фалон кассага боринг”, “Фалон қаватга чиқинг”, деган иборалар энди бегона.

Бу хорижнинг нуфузли маслаҳат ташкилотлари маслаҳатчилари жалб қилинган ҳолда хизмат кўрсатиш стандартлари ишлаб чиқиш, уларни амалиётга киритиш борасида қўрилган чора-тадбирлар самарасидир. Яъни бу ердаги барча хизмат кўрсатиш жараёнлари вақт, маблағ, иш кучи ва бошқа жиҳатлари бўйича ҳар томонлама оптималлаштирилди.

Филиалда миқозларга хизмат кўрсатувчи “фронт-офис” иккига ажратилган, яъни жисмоний ва юридик шахслар учун алоҳида. Келаётган миқозлар “Ресепшен” хизмати ходими томонидан кутиб олиниб, уларга зарур қўмак кўрсатилади. Охириқибат миқоз юмуши узоғи билан 10 — 15 дақиқада битида.

Бундан ташқари, филиалда “Миқоз столи” ҳам ташкил этилган бўлиб, у орқали тадбиркор корхонаси билан боғлиқ молиявий операцияларни ёки бошқа ишларни амалга ошириши мумкин.

7 кун ва 24 соат давомида узлуксиз ишловчи автоматлаштирилган шохбеча ҳам доимий хизматда. Аҳолига халқаро карталардан нақд валютани ечиб олиш учун шароит яратилган.

Шу кунларда эса кредит ажратиш жараёнини тезлаштириш мақсадида скоринг тизими синовдан ўтказилмоқда.

“UZPSB mobile” мобиль иловаси эса нафақат Ўзбекистондан, балки дунёнинг исталган жойидан туриб қўлаб банк хизматларидан онлайн фойдаланиш имконини беради. Хуллас, янгилар бисёр. Улардан барчага наф келмоқда. Дарвоқе, мазкур филиал намунали тарзда ташкил этилган ва бундай намуналар республикамиздаги барча тижорат банкларида мавжуд. Энг муҳими, улар сони тобора ортиб бормоқда. Демак, тизимдаги ўзгариш янгиланишлар янада кўпаяверади.

Фурур ва ифтихоримиз рамзи

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони туфайли миллий иқтисодиётимиз тараққиётида муҳим тарихий бўлиш юз берди. Унга кўра, тадбиркор юшбилармонлар ва аҳолига чет эл валютасини эркин сотиш ҳамда харид қилиш имконияти яратилди. Миллий валютамиз барқарорлиги таъминланди.



Эътибор беринг, валюта бозорини эркинлаштиришга киришилгандан

Одамлар истаган хориж пулини банк шохбечасига сотаяпти. Бунинг учун ҳеч қандай ҳужжат зарур эмас. Ортиқча қорғозбозлик ёки сансалорликка мутлақо ўрин йўқ.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: айримлар йирик пул купюраларининг чиқарилишини унинг қадрсизланаётгани билан баҳолайди. Уларнинг наздида, бу орқали миллий сўмимиз салмоқи бошқа хориж валюталарига нисбатан анчагина пасаяди. Аини пайтда республикамизда муомалада бўлган энг йирик пул 50 минг сўмлик банкнота ҳисобланиб, у ўтган йили муомалага киритилган эди.

Мутахассислар фикрича, миллий

Сўнгги 5 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини 2 баравардан ортиқ яхшиланиб, мамлакатимиз жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, сўнгги ҳисоботда мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислохотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди.

валютанинг 50000 сўм қийматдаги банкнотини чиқариш мамлакатимизда сўнгги йилларда ўртача иш ҳақи миқдорининг ошиб бориши ва аҳолига иш ҳақи, пенсия ҳамда нафақаларни тўлашда, шунингдек, нақд пул ҳисоб-китобида қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилди. Бу иқтисодиётдаги пул массасининг ўзгаришига олиб келмайди ва инфляция даражаси ҳамда нархлар барқарорлигига таъсир кўрсатмайди.

Шунингдек, мазкур амалиёт ҳисоб-китобларни ихчамлаштириш, нақд пулни ташиш, етказиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳамда ноқулайликларни камайтириш, аҳолига банкматлар орқали кўрсатилмаган хизматлар қўламини кенгайтириш имконини беради.

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб Марказий банк захирасидаги қимматбаҳо металлдан ясалган тангалар сотувга чиқарилади. Бундан кўринадики, миллий валютамизнинг хорижлик инвесторлар, нуғизматиклар томонидан катта қизиқиш билан харид қилинишига, қолаверса, юртимизга сайёҳлар оқими ортишига, юртимиз тарихи ҳамда маданиятини танитишга янада қулай шароит яратилади.

Нақд пул? Энди муаммо эмас

Яқин-яқингача банк тизимидаги энг оғрикли масалалардан бири — нақд пул тақчиллиги эди. Гарчи аҳолининг

аксарият қисми иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияни пластик картонкада олса-да, уни нақдлаштириш туғул, ул-бул харид этишда моддий томондан зарар қўйар, бу кайфиятга ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Сабаби айрим дўконларда терминал ишламаётгани баҳона қилинса, бошқасида очикчасига нарх устига 20 фоизгача устамма қўйиларди. Бу ҳол охир-оқибатда пулимизни ўн, йигирма, ҳатто ўттиз фоиз устамма билан нақдлаштириб берувчи “тадбиркорлар” қатлами пайдо бўлишига замин яратганди.

— Тўғри, биз, кексалар нақд пулга ҳар доим ҳам эҳтиёж сезавермаймиз, — дейди янгийллик Арофат Сиддиқова. — Худого шукр, фарзандларимиз ардоғида яшаймиз. Ҳеч нимага зорикқанимиз йўқ. Лекин қорғоз пулнинг ўрни барибир бошқача-да. Пенсиямиз пластикка ўтказилганидан сўнг, ишонасизми, эркалиниб бўйимизга осылган невараларимизга музқаймоқ, хўрозқандга пул беролмай қийналган пайтларимиз кўп бўлди...

Шамбул КЕЖРИВАЛ, Наманган вилоятидаги “Веригров ипаги” хорижий корхонаси бош директори:

— Хорижий инвестициянинг самарали ишлашида молиявий масала, жумладан, банклар устувор ўрин тутати. Ўзбекистонда бизнесимизни йўлга қўйганимиздан буён ўтган олти йил ичида буни ўз фаолиятимизда синовдан ўтказдик. Гапнинг мавриди келганда молиявий муассаса билан муносабатларда қатор қийинчиликларни бошдан кечирганимизни айтмасам бўлмайди. Хусусан, ҳисоб-китоблар билан боғлиқ кичкина амалиёт ёки зарур маълумотни олиш учун вақтимиз кун бўйи навбатда туриб, қимматли вақтини бой берган кунлар ҳам бўлган. Боз устига, кўпинча банклар ўз шартини олдинга, миқоз манфаатини кейинги ўринга суриши ўзаро муносабатларга соя соларди. Масалан, каттаими-кичикми, ҳар бир амалиёт учун банк хизмати ўрнида ундирларди. Кейинги икки йил ичида бундай ҳолатларга чек қўйилгани аини мўддао бўлди. Энди миқоз ўз сўзини айтаяпти. Барча амалиётлар пухта ҳуқуқий асос билан мустаҳкамланди.

Кишини хурсанд қиладигани, кредит билан ишлашга кенг йўл очилди. Авваллари, миқоз маблағ сўраб, банк эшигини тақиллатган бўлса, эндиликда молиявий муассаса кредит таклиф қиляпти. Бу,

айниқса, бизнес соҳаси учун жуда асқатади. Ёки бўлмаса, нақд пул масаласини олайлик. Уни вақтида банкдан ололмаганимиз туфайли ишчиларимизга маош тўлаш оғайиб кечиккан пайтлар бўлди. Мана нақд пулни чекловларсиз, бемалол олса бўларкан-ку! Муносабатларнинг бу тартибда такомиллаштириб бориши Ўзбекистонда иш юритаётган хорижий сармоядорларнинг банкларга бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлаб борапти.

Биз ипакчилик соҳасини ривожлантиришга сармоа тикиб, кам бўлганимиз йўқ. Ҳозирги кунга қадар 8,7 миллион АҚШ доллари миқдориди йўналинган инвестициямиз ҳисобига илғор технологияни жорий этиб, юқори сифатли ипак ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Қарийб юз фоиз маҳсулот экспортга чиқарилмоқда. Яқин вақт ичида яна 1,5 миллион долларга тенг маблағни жалб этишни мўлжаллаб турибмиз. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда сармоявий муҳитнинг тобора яхшиланиб бораётгани, шерикичилик муносабатларида тенглик тамойили устувор тутилаётганлиги самараси, десак, тўғри бўлади.

Шавкатбек ЖАМОЛДИНОВ, “Андижон бройлер” корхонаси раҳбари:

— Тадбиркорнинг фаолиятини банкларсиз тасаввур

Мана, бугун ҳаммаси изига тушиб кетди. Бўлар экан-ку?! Пенсиямизни нақд олаймиз.

Хўш, муаммо қандай пайдо бўлди? Нега нақд пул “тортилиб” қолган эди?

Кимдир буни инфляцияга боғласа, яна биров нақд пулнинг банкдан ташқари айланиши ортиб кетгани билан изоҳларди. Муаммонинг асл илди-зи эса Президентимизнинг 2017 йил

— Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бизнинг молия муассасамиз ўз банкматларини ўрнатган эди, — дейди акциядорлик тижорат Халқ банкнинг Банк карталари асосида тўлов тизимини ривожлантириш департаменти бўлим бошлиғи Фаррух Назаров. — Ҳозирги кунда пойтахтимиздаги “Қўйлик”, “Юнус-обод”, “Фарҳод” деҳқон бозори ҳамда



2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмининг такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди айтилганидек, тўлов терминаллари ҳамда банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмагани ҳолда, тўловлар пластик картонкаларга асоссиз равишда ўтказилаётганида эди.

Ушбу ҳужжат қабул қилинган, банк-молия тизимида хизмат кўрсатиш сифати, ҳақиқатан ҳам, яхши томонга ўзгара бошлади. Барча турдаги пенсиялар ҳеч қандай чекловларсиз нақд пулда берилмаган бўлди. Шундан сўнг тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий тўловлар тўлиқ, талабаларга стипендияларнинг камида 50 фоизи нақд шаклда тақдим этиляпти.

Энг асосийси, аҳоли гавжум жойларда пластик картонкадан нақд пул ечиб олиш имкони бўлган банкматлар ўрнатила бошланди.

— Илгари телевизорда банкматдан пул ечиб олаётган одамларни қўриб, ҳавас қилардик, “Бизга қанчон етиб келар экан-а?” дердик, — дейди Токент транспорт касб-ҳунар коллежи ходими Мели Қурбонов. — Аслида, бу етиб бўлмас оруз эмас экан. Яширишнинг ҳожаги йўқ, дастлабки пайтларда банкматлар олдида одамлар турнақатор бўлиб қўлайиб кетиб, узундан-узун навбатда туришга, асаббўзарликларга дуч келардик. Ҳозир эса бемалол. Ким қанча хоҳласа, шунча суммани ечиб оляпти. Бунинг учун беминнат хизматчи — банкмат тайёр. Бундай қулайликлар, табиийки, кишига ўзгача кайфият бахш этади. Молия муассасаларига бўлган ишончни янада оширади.

Эътироф

қилиб бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, унинг ҳар “қадами”, яъни кредит олиш, дейсизми, пул қўчириш, дейсизми, хуллас, барча-барчаси банк билан боғлиқ.

Шундай экан, молия муассасаси ҳар доим унга зарур маслаҳатчи, кўмакчи бўлиши керак. Очиги, илгари, аниқроқ, бундан уч-тўрт йил аввал ҳам банкларимиз фаолиятини талабга тўла жаваб беради, дея олмасдик. Айрим ҳолларда, айтайлик, кредит олиш масаласида бир кун у, бир кун бу ҳолат баҳона бўлиб вақтдан ютқазардик. Банк ходимлари бири бўлса, бошқасини кутишга тўғри келарди.

Бугун эса вазият тамомилан бошқача. Банкларнинг ўзи миқоз изляяпти. Хонадонманоҳадан юриб, замонавий ва сифатли хизматларини тақдир этипти. Ходимлари хушмуомала, ҳар бир масалага масъулият билан ёндашиляпти. Шароитлар қувонарли.

Президентимиз яқинда Андижон вилоятига қилган таширифи чоғида фаолиятимиз билан танишиб, уни икки баробарга кенгайтириш тўғрисида кўрсатма берди. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа устида ишляпмиз. Лойиҳанинг умумий қиймати 38 миллиард сўмни ташкил этади.

бошқа аҳоли гавжум жойлардаги банкматлардан одамлар пулларини қийинчиликсиз нақдлаштириб олишмоқда. Ҳар бир банкматдаги кунлик пул ечилиши, ўртача 40 — 45 миллион сўмни ташкил этипти. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, республикамизнинг барча вилоятида ана шундай аппаратлар ўрнатилмоқда.

Гап нақд пул хусусида кетар экан, Президентимизнинг қарори асосида пенсия ва нафақалар Халқ банки томонидан аҳолига нақд пул қўриқишида, ҳар ойнинг 27-санасига тарқата қелинаётганини алоҳида айтиш жоиз. Бунда банкнинг барча ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) филиалларида пенсия ва нафақа тўловлари бўлими ташкил этилгани, 2 мингта сайёр касса, 4 минг нафар кассир ҳамда бухгалтер назоратчи штат бирликлари очилиб, ходимлар ишга қабул қилинган, шунингдек, тоғли ва чўл ҳудудлари учун автомобиллар сотиб олиниб, филиалларга етказилгани қўл келмоқда.

Пулга товарлар, хизматлар, даромадлар ҳамда харажатлар, молиявий талаблару мажбуриятлар, умуман, иқтисодий муносабатларни ифодаловчи восита сифатида тасниф берилади. Бундан кўринадики, у ҳар қандай молиявий жараён, қўндалик эҳтиёжларни қондиришда жуда зарурдир.

Бироқ айрим тажрибали экспертлар молия тизимини ислох этиш, хусусан, нақд пул масаласини ечиш учун камида 10 йил вақт керак бўлишини прогност қилган эди. Ўзбекистонда эса ушбу масала атиги 1-2 йил ичида ҳал этилди. Бу ҳозирги тезкор давр талабидан келиб чиқиб амалга оширилмаган шиддатли ислохотлар, пухта ўйлаб ҳаётга таътиб қилинаётган аниқ чора-тадбирлар самарасидир.

Энг муҳими, мамлакатимиз молия-банк, пул сиёсатида қўрилаётган бу каби чора-тадбирлар иқтисодиётимиз равангига, аҳолига янада қулайлик яратишга, уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қиляпти. Президентимизнинг шу йил 13 июлда қабул қилинган “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди “...сўнгги 5 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини 2 баравардан ортиқ яхшиланиб, мамлакатимиз жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, сўнгги ҳисоботда мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислохотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартлар талабларига ханузгача тўлиқ жавоб бермайд. Айрим давлат органлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида эълон қилинган ислохотларнинг амалдаги ижросини етарли даражада таъминламаяпти”, дея қайд этилган. Демак, бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилаверади.

Дилшод УЛУҒМУРОВА,
“Халқ сўзи” муҳбири.

Инсон ҳаётда ҳамиша бахтли яшасам, дейди. Турмушининг фаровон бўлишини, орзу-ниятларининг унаилишини истайди, ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилади. Зотан, унинг бунга тўла ҳаққи бор. Умр одамга бир марта берилади. Ўз уй-жойига эга бўлиш — ҳар бир инсоннинг ўзини бахтли ҳис қилиши, тўқин яшаши, эзгу истакларини рўёбга чиқаришида муҳим омиллардан бири. Бошимизни пана қиладиган, турли хавф-хатарлардан холи, хотиржам яшашга имкон берадиган уйимиз бўлса, кўнглимиз тўқ бўлади, келажакка ишонч билан қараймиз, катта мақсадларни дилга туғиб, бунёдкорликка, яратувчанликка интилиб яшаймиз.

Бироқ сайёрамиз аҳолиси мунтазам ўсиб, ҳар қарич ернинг аҳамияти тобора ошиб бораётган бузғунги замонда одамларнинг бир мўъжас бошпана соҳибига айланиши, тўғриси, осон эмас. Бунинг учун аҳоли даромадларини ошириш, кишиларни уй-жой билан таъминлашга доир истиқболли дастурларни ҳаётга татбиқ этиш, кўчмас мулкларни сотиб олиш учун турли қулайлик ва имтиёзлар яратиш лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда бу борадаги барча масалалар қамраб олинган яхлит тизимга асос солингани ва унинг ҳалқимиз турмуш тарзи, орзу-истакларига ҳамоҳанг эканини нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон аҳли кўриб-билиб турибди, натижаларини юксак эътироф этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги, 22 ноябрдаги “2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қавратли уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ушбу тизимнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатларга кўра, юртимизнинг барча ҳудудда аҳолининг реал эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, арзон уй-жойлар қуришмоқда. Қишлоқларда бунёд этилаётган ҳўжалик иншоотлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартирали ҳамда аҳоли зич жойлашган туманларда зарурий иморатлари билан бирга майдони икки сотихлик ер участкаларида бир қаватли 2 ва 3 хонали, тўрт сотих ер участкаларида икки қаватли 4 хонали ҳовлилар, шунингдек, шаҳарларда 5, 7, 9 қаватли кўп квартирали уйлар юртдошларимизнинг харид қобилияти, миллий менталитети ва яшаш шароитларига мос. Ўтган йилнинг ўзида қишлоқларда 15 мингта, шаҳарларда 7919 хонадонни ўз ичига олган кўп қаватли 191 ана шундай уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилгани уларнинг ҳалқимизга нақадар маъқул келаётганини кўрсатади.

Жорий йилда қишлоқларда 25 мингдан ортиқ, шаҳарларда эса қариб 17 минг хонадонни қамраган 411 кўп квартирали ана шундай арзон уй-жойлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Уларда қурилиш ишларининг бориши, сифатли материаллардан фойдаланилиши, замонавий меъморлик меъёрларига амал қилиниши тегишли давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қатъий назорат қилиб боришмоқда. Ахир кўркам лойиҳа асосида барпо этилган, пойдевори мустаҳкам, пишқ гиштдан қўтарилган, томи металл ёки керамик томёпчи билан ёпилган уй нафақат шинам бўлади, балки бир неча авлодга хизмат қилади.

Президентимиз ташаббуси асосида олиб борилаётган бу борадаги ишларнинг яна бир аҳамиятли томони бу уй-жойларнинг муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда бунёд этилаётганидир. Янги массивларда қурилаётган автомобиль йўллари, сув, газ ва электр тармоқлари, қад ростлаётган мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари, спорт иншоотлари аҳолининг қулай шарт-шароитларда яшаши учун комплекс тизимни ҳосил қилмоқда.

Қозонни сувдан олин

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, шу йилнинг январь — июнь ойлари давомида мамлакатимизда 21 588,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари баҳариланган бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 109,7 фоизни ташкил этган. Бунёд қилинган жами иншоотларнинг асосий қисми, яъни 78,2 фоизи яшаш учун мўлжалланган тураржой биноларидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тўғйили қўллаб давлатларнинг бели букилиб, қатор ижтимоий дастурлардан воз кечишга мажбур бўлаётган, айниқса, уй-жой қурилиш кескин қисқараётган бир пайтда Президентимиз томонидан Ўзбекистонда бунёдкорлик ишлари қўлаи тобора кенгайтирилаётгани замирида мамлакат тараққиёти ва ҳаёт фаровонлигини оширишга қаратилган яна кўплаб эзгу муддаолар ётибди.

Жумладан, бу борадаги ишлар аҳолининг ўткир ижтимоий муаммоларини ҳал этиб қолмай, минглаб янги иш ўринлари яратилишига, қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжалари, томёпчи ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган ўнлаб корхоналар, ихтисослаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотларининг ривожланишига, шахару қишлоқларнинг янгича тароватга, кўркам қиёфага эга бўлишига хизмат қилапти.

Энг муҳими, бундай қурилиш, ободончилик ишлари, аввало, кўнглиларни обод этаяпти. Ахир уй-жой солиб, таъмирлаб, унга кўчиб киргунгача бўлган машаққатлардан қутилган одамларнинг, қишлоғининг шаҳар тусини олаётганидан маҳалладошларнинг бахридили очилмаслиги мумкинми?!

Қарши туманидаги “Нукробод” қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яқкаёғоч массивида яшовчи Алишер Аҳмедов янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган арзон уй-жойлардан бирининг сохиби бўлганидан нақадар мамнун эканини таъкидлайди.



— Уй қуриш хамирдан қил суғургандек бериладиган иш эмас, — дейди у. — Аввало, ер участкаси ажратиш, кейин эса қурилишга рухсат олиш учун, тўғрисиини айтиш керак, баъзан ҳафталаб, ойлаб турли идоралар эшигига “сарғайиш”га тўғри келади. Шундан сўнг қурувчи ва усталар топиш, уларга иш ҳақи, муносиб шароит ҳозирлаш, нон-чой бериш... Бу ёқда эса гоҳ цемент, гоҳ қум, гоҳ ёғоч тахта, гишт ва шифер, гоҳ эшик-дераза, бўёқ ва пардозлаш материалларидан тортиб, арзимасдай туюладиган оддий миҳ етишмовчилиги, бу ашёларни қидириб топиш ва қурилиш жойигача ташиб келтириш харажатлари... Бундай оворагарчиликлар унча-мунча одамнинг тинқасини қурилади. Биз каби Давлат бюджети маблағлари асосида молиялаштирилган ташкилот оилик маоши ҳисобига кун кечирадиган оилаларни-ку, айтмай қўяқолай. Бир уй қуриб, уни таъмирлаб, намунаи яшаш шароитига эга бўлгунимизча ҳатто бутун умр қозонни сувга ташлаб қўйишимизга тўғри келган бўларди.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган тизим эса минглаб одамларнинг бу борадаги машаққатларини аритди, ишлаган, яхши ниятларни қўзлаб озгина ҳаракат қилган оила учун уй-жой харид қилиш имкониятини яратди. Жараёнда харидор ўз уйининг қурилишида фақат маблағ билан иш тирок этади. Масалан, қишлоқ жойлардаги 2, 3 хонали арзон уй-жойлар нарининг атиги 10 фоизи миқдоридида бошлангич бадал пулини тўлагач, у ташкилотдан бу ташкилотга чопмайди, уни излаб, буни излаб сарсон ҳам бўлмайди — қурилиш жараёнини назорат қилиб боради, холос.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 июлдаги қарори билан 2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар



бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларининг амалга оширилиш механизми янада такомиллаштирилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, талабгорга “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ, Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, “Ипотека банк” АТИБ, Халқ банки АТБ, “Асака” АТБ ва “Узсанотқурилишбанк” АТБ уч йиллик имтиёзли давр ҳамда дастлабки беш йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридида ипотека кредитлари ажратилади. Тўловларнинг бирданига эмас, балки 20 йил давомида аста-секин тўланиши юртдошларимизга, айниқса, катта имтиёз ва енгилликлар беради. Қисқа қилиб айтганда, бундай уй-жойлардан бирининг эгасига айлангач, унда ҳар

қандай оила қозонни сувдан олиб, бемалол, бамайлихотир яшаши мумкин.

Уй борнинг ўйи йўқ

Жаҳон амалиётида аҳоли учун тураржой биноларини, асосан, хусусий қурилиш ташкилотлари барпо этади, хусусий банklar молиялаштиради. Табиийки, бу объектларнинг нархини мазкур муассасаларнинг ўзлари белгилайди. Марҳамат этиб, улар айтган суммани тўлаб қўйганингиздан ёки кредитга олаётган бўлсангиз, шунга доир шартномага имзо чекканингиздан сўнггина уй-жойга эгалик қилишингиз мумкин.

Бозор иқтисодиёти қонунлари ва ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган бу жараён мамлакатимизда ҳам мавжуд. Аммо қани

салага одилона жавоб топиляпти. Жумладан, талабгорлардан бири ижарада яшайди, иккинчиси боқувчисини йўқотган, учинчиси эса ҳам ижарада истиқомат қилади, ҳам боқувчисини йўқотган, ҳам оила аъзоларидан бири ногиронлиги бор шахс ёки дардман ва алоҳида хонада парваришга муҳтож. Бундай ҳолатда, албатта, учинчи давъогарнинг талаби қондирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, арзон уй-жойлар тақсимотида адолат томоийларининг устуворлигига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги мамлакатимизда демократик давлат, инсонпарвар жамият қуришда катта қадамлар ташланаётгани ифодасидир. Зотан, адолат бор жойда инсон манфаатлари устун, ижтимоий-маънавий муҳит соғлом, тинчлик-ҳамжихатлик барқарор бўлади. Тараққиёт олға илдамлайди.

Ҳаётдан розилик ва мамнунлик саодати

Президентимиз шу йилнинг 29 июнь куни пойтахтимизнинг Олмазор туманига таширфи чоғида Кар-соқовлар маданият марказида бўлиб, имконияти чекланган ёшлар билан суҳбатлашгани ҳамда шахмат бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Сирожиiddин Зайниiddинов, таъқвондо бўйича Осиё чемпионати соврин-



дори Даврон Хидиоров, ёш режиссёр Олег Ошиповга Тошкент шаҳридан уй совға қилгани оммавий аҳборот воситалари орқали кенг ёритилиди, турли интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда, давраларда қизғин муҳокама қилинди.

Уларда “Инсонпарварлиқнинг олий намунаси бу!”, “Баъзан эътибордан четда қоладиган инсонларга умр бўйи ёслаб юриладиган катта совға бўлди”, “Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирин шод айлагай, Олча борким, Қазба байрон ўлса, обод айлагай”, деб ёзган бобомиз Алишер Навоий. Ўртбосимиз Каъбани обод айлаганлик савобига эга бўлдилар”, деган самимий ва ҳаққоний фикрлар янгради...

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган жисмоний имконияти чекланганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганларга ҳеч қандай тўловларсиз ёки имтиёзли шартлар асосида тураржойлар ажратилаётгани Президентимиз томонидан аҳолини уй билан таъминлашга қаратилган эзгу ишларда яна бир ўзига хос жиҳатдир. Бу шу юрда яшаётган инсонларга юксак ҳурмат-эҳтиром, саховат, меҳр-муҳаббат намунаси ҳам. Бундай ғамхўрлик кўнгли кемтиклигини тўлдиради, руҳга қувват беради, ҳаётни қадрлашга ундайди.

Зеро, умр — буюк неъмат. Модомики, у ўткинчи экан, рўшноликда яшашни кейинга суриб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Инсон эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак”.

Ўртбосимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам мана шу эзгу фикрнинг ҳаётий рўёбидида муҳим ҳужжат бўлди. Унга мувофиқ, оғир ижтимоий вазиятга тўшиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини

тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга имтиёзли арзон уй-жойлар берилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволда бўлган хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Муборак Асророванинг қайд этишича, шу йилнинг ўтган даври мобайнида оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ аёллар бошлангич бадал тўловларисиз уй-жой билан таъминланган. Яна 5300 дан ортиғига имтиёзли шартларда уй олиш учун тавсияномалар берилган.

Бундай юксак ҳиммат ва ғамхўрлик тақдирнинг оғрикли зарбаларидан хира тортган юзларга нур бағишлади, аламли кўз ёшларини қувонч инжуларига айлантирди.

Нуроталик Зухра Эгамова — ана шундай қисматни бошдан кечирган кечюртларимиздан бири. Имтиёзли шартларда уй-жой ажратилгани унинг умр дафтаридида том маънода янги саҳифа очди. У мамнуният ҳисларини ўз мактубида қуйидагича ифодалайди:

“Инсон дунёга келиб, бир олам орзулар билан улғаяди. Айниқса, қиз боланинг орзу осмонлари кенг. Бинобарин, мен ҳам бўй этиб, дилда покиза ниятлар билан оила қурдим. Афсуски, тақдир ҳар доим ҳам истакларимизга хайрихоҳ бўлавермас экан. Йигирма йил аввал илакишган дард, охириқибат ўзгалар қўмағига мубтало эди. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Қизим тетапога бўлган, ўғлим қўлимда эди. Оиламиз бузилиб, ота уйимга қайтдим.

1997 йилдан бошлаб ота-онам, укамнинг оиласи — уч рўзгор бир ҳовлида истиқомат қилдик. Минг шукр, укам ҳам, келиним ҳам бу ҳовлида омонат эканимизни бирор марта юзимизга солган эмас. Бироқ умрим ўтиб бораётгани, фарзандларим улғайиб қолганини эсласам, юрагим орта тортиб кетарди. Уйли-жойли оилалар, айниқса, тенгқурларимни кўриб, ҳавас қилардим. Нафақам дори-дармон, болаларимнинг еб-ичиши ва кийим-кечагидан ортагач, тўғриси, бу дунёда ўз уй-жойимга эга бўлиш насиб этмаган экан, деган ҳулосага келган эдим.

Ховли сатҳи икки сотихлик, уч хонали уйнинг қалитини тутқазишганда зимистондан бирдан ёруғликка чиққандек бўлдим. Қувончдан кўзларимга ёш келди. Ўртбосимизнинг ғамхўрлигини қарангки, уйнинг бошлангич бадалини тўлаш билан бирга, қолган қисминини ёпишда қийналмаслиги-мизни уйлаб, тикув машинаси ҳам совға қилибди.

Президентимизнинг тўғриси ҳаётимда янги саҳифа очиб берди, деб ҳисоблайман. Насиб этса, энди шу ҳовлида қиз чиқариб, ўғил уйлантираман, тўйлар қиламан. Набира суйиб, меҳмон қақираман. Ҳа, орзуларим яна бир олам. Давлатимиз раҳбари менга уй билан бирга армонга айланаёзган орзу-ҳавасларимни ҳам қайтариб берди. Яшашга иштиёқимни кучайтирди”.

...Гулистонлик Ирода Нишонбоева келин бўлиб “олтин остона”га эмас, ижара хонадонга қадам босди. Шундай бўлса-да, у ўзини бахтли ҳис этди. Нега десангиз, ўн саккизга тўлганда бошига тушган кўргулик — пахта тозалаш заводида ишлаб чиқариш жароҳати олиб, бир ойгидан ахраган бўлса-да, энди унинг ёнида тўрт мучаси соғлом йигит, уни севиб-ардоқловчи, ҳаёт йўлидаги таянчи Ёрбек бор эди. Айтишларича, уларнинг турмуш қуришларига иккаларининг ҳам ота-оналари қарши туришган. Лекин Ёрбек қатъий фикрдан қайтмаган: “Агар бу қиз ўзи каби ногирон инсон билан оила қурса, баттар қийинчиликка дуч келмайми?” Бу гапларга мана оз эмас, саккиз йил ўтди. Ҳозир қўлтиқатёқда юрадиган Иродага одамлар ачиниш билан эмас, акинча ҳавас билан қарайди. Бинобарин, бу ёш оиланинг энди ўз уйи, рўзгорини бут қилиш учун машғулот, икки нафар жажжи қизи бор.

— Рост, янги уйнинг қалитини қўлимга олганимда ҳаёлимдан “Тўшимми ё ўнгимми?” деган фикр ўтди, — дейди Ирода. — Чунки далаларда, ижара хонадонларда яшаб юрганимизда тушимга ўз уйимизга эга бўлганимиз ҳам кириб турарди-да. Қарангки, Президентимизнинг биз, ногиронлиги бор шахсларга кўрсатаётган юксак эътибори ана шу тушларимизни қисқа муддатда ўнгга айлантирди. Ўтган йили менга тикув машинаси топширишди, бюртомани ҳам, унга пул тўлайдиган ташкилотни ҳам аниқ белгиллаб беришди. “Ҳам ишли, ҳам имтиёзли равишда уйли бўласиз”, дейишди. Ўзим болалигимдан тикувчилик билан шуғулланиб келаман. Ана шу кўникмама фаолиятимда жуда асқатди. Айтилганидек, тез орада ваъда қилинган уйга ҳам эга бўлдик. Яқинда рўзгордан орттирган маблағимизга яна битта замонавий тикув дастгоҳи сотиб олдик. Шунингдек, қўён боқишни йўлга қўйдик, ана парранда учун жой ҳозирлаймиз. Кўчиб кирганимизга кўп бўлмаган бўлса-да, янги уйнинг остонаси гулзорга айланган. Ҳовлида мевали дархатлар, сабзавот экинлари барқ уриб ўсмоқда. Худди қалбларимиздаги эзгу орзулар каби. Тобора юксалаётган мақсадлар сингари!

Дарҳақиқат, уй-жой шунчаки бошпана эмас, у инсоннинг кўнглидаги маънавий қўрғон хамдир. Ушбу қўрғонни бут инсонларнинг оиласи мустаҳкам бўлади, ишига барака инади. Улар ўзларини шу жамиятнинг бир аъзоси сифатида ҳис қилиб, яшаётган жойида чўқур илдиэ отишга, қўни-қўшинчилик алоқаларини мустаҳкамлашга, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилади. Саодатли яшамокнинг моҳияти ҳам шу аслида. Президентимиз аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ислохотларни изчил давом эттиришга ҳаракат қилаётгани, соҳа мутасаддиларини ҳам бу ишга катта масъулият ва қўнчинчилик билан ёндашишга ундаётгани замирида ҳар бир юртдошимизни ана шундай бахтли-саодатли қўриш, “Инсонларнинг дарду тавишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир”, деган эзгу даъватни қалбларга теран синдириш, ҳаёт тарзимиизга айлантиришдек улғу мақсадлар мужассамдир.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Самарқанд гавҳари



Давлатимиз раҳбари 2016 йил 18 октябрда Ислон ҳамкорлик ташкилотини Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуида халқаро илмий-тадқиқотлар марказини ташкил этиши ташаббусини илгари сурди. 2017 йил 27 мартда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорининг қабул қилиниши билан бу ташаббус ҳаётга кўчди.

Моҳиятан, глобаллашув ва технократик цивилизация миллий ва диний кадриятларни ўзининг рақобатчисига айлантираётган бир паллада юртимизда ислом динининг ҳақиқий макomini тушунириб, тарғиб қилиб турувчи бундай марказнинг яратилиши Ўзбекистоннинг ислом маданиятида тутган ўрнини, миллий таълим-тарбиянинг асоси бўлган анъана ҳамда қадриятларимиз ҳаёتبашлиги ва бардавомлигини намойён қилади.

Шу муносабат билан Пайарик тумани Хартанг қишлоғида жойлашган Имом Бухорий мажмуасида қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

— Шавкат Миромоновичнинг вилоятимизда ҳоким бўлиб ишлаётган пайтларидаёқ Имом Бухорий мажмуаси ва буюқ аждодларимизнинг қадм-жоларига эҳтиромни бўлача эди, — дейди Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси бош директори Хўжамқул Муҳаммадиев. — Катта ишлар олдидан, пахта, ғалла хирмонлари кўтаририлганда, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ҳаммаша қадамжоларни зиёрат қиларди. Имом Бухорий мақбараси пойида вилоят кексаларига ифторликлар бериларди. Шавкат Миромонович ўша пайтлардаёқ Имом Бухорий ҳазратлари мақбарасини кенгайтириш, юртимиздаги қадамжоларни ислом дунёсида Маккадан кейинги улкан зиёратгоҳга айлантириш, шу орқали мамлакатимиз шон-шарафини янада кўтаришни орзу қилган бўлса, ажабмас.

Президентимиз халқимизнинг буюқ аждодимизга бўлган ҳурмат-эътиборини, гурурини амалий ҳаракатга, ҳаёт ва яшаш тарзимизга айлантирмоқда. Шу билан бирга, Имом Бухорий мажмуасининг қайта таъмирланиши, кенгайтирилиши, обод қилиниши юртимизнинг туризм салоҳиятини тобора юксалтиради.

Дунёда бир ярим миллиард мусулмон бор. Агар ана шу мусулмонларнинг ярми саҳиҳ ҳадисларни тўплаб, ислом динининг иккинчи ишончли манбасини яратган экан Имом Бухорий ҳазратларининг хокиёйларини зиёрат қилишга келса, сал муболага қилиб айтганда, ҳатто остонамиз ҳам тилладан бўлиб кетиши мумкин. Тўғри, бу ҳозирча орзу. Мамлакатимизда бунча зиёратчини қабул қилиш бўйича инфраструктура ҳам ҳали шаклланимаган. Бироқ қувонарлиси, Президентимизнинг ташаббусида ана шу орзуларни реал воқеликага айлантиришдек азму шижоат ётибди. Имом Бухорий мажмуаси озгина вақтдан сўнг нафақат исломий илмнинг маркази, балки улкан, бекиёс қадамжого — тили, ирқидан қатъи назар, дунё-

нинг барча бурчагидан сайёҳлар оқиб келадиған зиёратгоҳга айланади.

Ҳар қарич еримиз муқаддас

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини яратиш ташаббусини кўтариб чиқар экан, икки муҳим жиҳатга, биринчидан, “Самарқанднинг мусулмон маданияти дурдоналаридан бири эканлиги билан дунё цивилизациясидаги мумтоз ўрни” борлигига, иккинчидан, буюқ муҳаддиснинг “табаррук мақбараси жойлашган ушбу минтақага хос бўлган алоҳида маънавий-руҳий муҳит” мавжудлигига эътиборни қаратганди. Булар дунё мусулмонларининг юртимизга интилишини кучайтириши шубҳасиз. Зотан, зиёрат фақат то-



моша эмас: у, энг аввало, буюқлар руҳини ҳис этиш, маънавий-руҳий муҳитдан қувват олиш, улуғлар мақоми ва тутумини, тириклик ва ҳаёт ҳақида энг азалий ҳақиқатни англаш, қалбни шу ҳақиқат билан бойитишдир.

Гап шундаки, инсон даҳоси, заковати билан бунёд бўлган обидалар, умрларини инсонни хоҳилликдан, адашиш ва залолатдан халос қилишга сарфлаган азиз-авлиёларнинг, мўътабар шахсларнинг сағаналари олдида буюқлик ва оддийлик, мангулик ва лаҳзалик, боқийлик ва ўткинчилик, қудрат ва оҳизлик, бошқача айтганда, ҳаётнинг чинакам мазмун-моҳияти, инсон зиммасига юклаган илоҳий ва азалий вазифа бор бўйи билан ҳис этилади.

Шуни фахр билан таъкидлаш кераки, дунё цивилизациясига, илм-фанига, умуман, башариётнинг ҳам маънавий, ҳам моддий юксалишига бекиёс улуш қўшган аждодлар бора-сида тарих бизни саҳийларча сийлаган: ҳар қарич еримиз муқаддас, ҳар қарич еримиз зиёратгоҳ. Буюқ аждодларимиз халқимизнинг орзу-мақсадини, қувват-қудратини, тафаккур кўламини, маънавий оламини, дид-савиясини, тутум ва маданиятини намойён қиладики, уларнинг закоси ва

ақл-идрокига қараб, дунё биз билан ҳисоблашади, бизга баҳо беради. Биз бугунги дин никоҳидаги залолатга, разолатга айнан ана шу аждодлар йўли ва тутуми, ҳикмати билан озикланиб, қарши курашамиз. Бу курашда улар бизнинг қуролимиз, далилимиз, байроғимиз бўлади. Президентимизнинг юртимизда зиёрат туризмининг янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани замирида ҳам ана шу эзгу мақсадлар муҳассам.

Қадриятлар мажмуаси

— Юртбошимиз мажмуа атрофида зиёратчилар учун замонавий, барча талабга жавоб бера оладиган инфратузилма яратиш ҳақида аниқ топшириқлар берган, — дейди Самарқанд вилояти бош архитектори Норкул Содиков. — Ана шу кўрсатмалар, ғоялар асосида бош режа ишлаб чиқилди. Лойиҳа қиймати 122 миллиард сўм бўлган қурилиш-таъмирлаш ишлари бугун авж паллада. Жами 60 гектар майдонда халқаро илмий-тадқиқот маркази, ҳадисшунослик мактаби, мактаб тингловчилари учун ётоқхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш масканлари, илмий-тадқиқот маркази тадқиқотчилари учун ҳар бири 18 хонадонли 3 та уч қаватли тураржой, Оқдарё — Қўлбости автомобил йўли бўйида миллий кўринишдаги 2 қаватли 62 та коттеж қурилкоқда.

Бош режага кўра, қарийб бир километрлик хийбон яратилади, хийбон бўйлаб 26 та меҳмонхона бунёд этилади. Мажмуага меъморий уйғунлик билан қуриладиган беш юлдузли 27-меҳмонхона хийбон охирида — мажмуага пешма-пеш қад кўтаради. Хийбонда шарқона усулда барпо қилинган дам олиш, нафас ростлаш гўмбазлари остида алломанинг бизга етиб келган 6 та китобининг монументал макетлари ўрнатилади. Сайёҳлар меҳмонхонадан мажмуа биносига келгунча шу гўмбазларнинг ўзидаяқ муҳаддис-олим яратган китобларнинг мазмун-моҳияти билан танишиб, ҳазратнинг хокиёйига маълум бир маълумотлар, тушунчалар билан қадамранжиди қилади.

Мажмуа қайта қурилиши муносабати билан ҳудуддаги 164 та тураржой ва 30 та нотуражой бино бошқа ҳудудга кўчирилди. Энди

мажмуага келган зиёратчилар учун автомобилларини бемалол жойлаштириш, сақлаш имкони туғилди. Ҳар бир меҳмонхона олдида миллий интерьерли чойхоналар жой олади. Шу билан бирга, зиёратчиларга кечая кундўз хизмат қилувчи 2 та супермаркет, амфитеатр, деҳқон бозори, ҳаммом, 2 та таҳоратхона, миллий хунармандлик буюмлари ва ёдгорликлар сотиладиган қадим Шарқ дўконлари кўринишидаги 16 та савдо шохбачаси, ресторан, болалар ўйин майдончаси, минибанк ва бошқа зарур инфратузилмалар бунёд этилади. Мажмуа олдида ўтувчи Оқдарё — Қўлбости автомобил йўли олти та машина сигадиган даражада кенгайтирилиб, Хартанг қишлоғини 5 километр масофада айланиб ўтади. Умуман олганда, бу ердаги барча бунёдкорлик фақат зиёратчиларга қулайли яратиш мақсадида қилинмоқда. Мажмуанинг ҳозирги бир қаватли биноси икки қават қилиб, қайта қурилади. Шунга мос равишда унинг кириш қисмидаги 17 метрлик гўмбаз 30 метрдан баланд қилиб кўтарилади. Бу мажмуага узок-узоклардан ўзига хос салобат, маҳобат бағишлаб туради.

— Аини пайтда мажмуа мақбарасининг пойи очик айвондан иборат, — дейди Имом Бухорий мажмуаси кенгаши раиси Деҳқон Эрматов. — Бу киш-қировли кунларда зиёратчиларга маълум бир қийинчилик туғдирарди, совуқлик қиларди. Энди эса мақбаранинг ён тарафида қишда иссиқ, ёзда салқин бўладиган кенг зал, болалар ва аёллар хонаси қуриллапти. Ҳаммасидан ҳам қувонарлиси, эски масжид кенгайтирилиб, рўпарасида яна бир масжид қад кўтаради. Пировардида ҳар иккала масжидда бир вақтда уч мингдан ортиқ

кишилар намоз ўқиш имконига эга бўлади ва шу жиҳати билан Ўзбекистондаги энг йирик масжидлардан бирига айланади. Бундан ташқари, мажмуада “ҳаж полигони” ҳам барпо этилмоқда. Бу “полигон”да Хиро тоғи, Каъба макетлари қурилади ва ҳажга борувчилар билан ҳаж пайтида қаердан, қандай ҳаракатланиш керак, ибодатларни қандай амалга ошириш зарурлиги ҳақида ўқув машғулотлари ўтказилади. Бу эса юртдошларимизнинг ҳаж зиёратини осонлаштиради.

Бир-бирига ҳалақит бермайдиган иккитадан кириш ва чиқиш йўлақлари барпо этилмоқда. Бутун мажмуада иситиш ва совитиш воситалари тўлиқ замонавийлаштирилляпти. Зиёратчиларга Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази тадқиқотчилари йўлбошчилик, таржимонлик қилади. Бу зиёратчиларнинг буюқ муҳаддис ҳаёти, таълимоти, у тўплаган ҳадислар ҳикмати тушуниб олишда, динни бузиб талқин қилувчилардан фарқли ўлароқ, ислом динининг ҳақиқий тинчликпарвар, инсонпарвар моҳиятини англашда кўл келади.

Қисқаси, Имом Бухорий мажмуаси юз минглаб сайёҳларни қабул қила



оладиган, қурилиши, инфратузилмаси билан дунё стандартларига мос комплекс қиёфа касб этмоқда. Нафисларини айтганда, Имом Бухорий мажмуаси ва унинг ҳудудий иншоотларини яхлит ҳолда “зиёрат шаҳарчаси” деса бўлади.

Нажот — илмда

Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти ақидапараст, ёт ғояларга эргашиб қолаётгани уларда исломий билим ва диний тасаввурларнинг бир ёқламаллигидан келиб чиқаётгани сир эмас. Аинан шунинг учун Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига ислом маданияти, умумбашарий цивилизация ривожига беназир ҳисса қўшган буюқ аждодларимизнинг кўп қиррали бой меросини ўрганиш, ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, исломий кадриятларни тўғри англа-



тиш, муқаддас динимизнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш вазифалари юклатилган. Бу борадаги ишларни самарали бажариш учун марказда барча замонавий шарт-шароитлар яратилади. Ҳозирги кунда марказнинг янги замонавий биноси қуриб битказилиб, икки таъмирлаш ишлари давом этказилаётди.

— Марказ иншоотларининг лойиҳасидан тортиб, уларнинг ҳаётий рўй-бичи таъминлашгача Президентимиз назари ва эътиборида, — дейди Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот мар-

фикр, илм энг самарали восита экани аллақачон исботланган. Ҳозир бизда диний ақидапарастларга қарши мустаҳкам, асосли қурол бор. Илмий-тадқиқот маркази энди ҳар қандай диний бузғунчиликка илмий зарба бера олади. Бу эса адашаётган ёшларни сақлаб қолиш, дегани.

Зиёрат туризми истиқболи

Имом Бухорий шахси ислом дунёсида бекиёс. Номини билмаган мусулмон деярли йўқ. Унинг хизматини барча мусулман эътироф этади ва умрида бир марта бўлса ҳам ҳазрат сағанасини зиёрат қилишни истаиди.

Зиёрат туризмнинг кучайиши мамлакатимизнинг моддий салоҳиятини янада оширади. Мутахассислар фикрича, агар биргина Имом Бухорий мажмуа шаҳарчаси йилига 100 — 150 минг хорижлик сайёҳларни қабул қилса, улардан тушадиган маблағ тахминан 300 — 400 миллион долларни ташкил этиши мумкин. Қайта таъмирланётган мажмуага ҳозирданок юртимизга қўшни мамлакатлардан ташқари Саудия Арабистони, Туркия, Индонезия, Малайзия, Покистон давлатларининг сайёҳлик компаниялари катта қизикчи билдираётгани бу борадаги рақамлар шунчаки тахминлар эмаслигини ойдинлаштиради.

— Имом Бухорий мажмуаси юртимизда сайёҳлар учун бир зиёрат жойининг ўзида барча инфратузилма яратилган биринчи зиёрат шаҳарчаси бўлади, — дейди Самарқанд вилояти туризм масалалари бўйича ҳоким ўринбосарининг котибият мудири Азиз Гафуров. — Мажмуа тўлиқ қайта қурилиб ва таъмирланиб бўлгач, биз икки ва ташқи туризмнинг катта оқимини қабул қила бошлаймиз. Хусусан, Малайзиянинг ўзидан йилга 100 минг сайёҳ келиши кўтилмоқда. Бу борада улар билан музокаралар олиб борилоқда. Хурсанд қиладиган жойи шундаки, малайзияликлар ҳатто ҳаждан олдин Имом Бухорий мақбарасини доимий зиёрат қилиш истагиди. Гап шундаки, Малайзиядан бир йилда икки ярим миллион мусулмон ҳажга боради. Биз шунча зиёратчини қабул қиладиган даражага етсак, Президентимиз ташаббуси билан бошланган зиёрат туризмнинг келажаги қанчалар порлоқлигини тасаввур қилаверинг! Қисқаси, Самарқанд Шарқ сайқали бўлса, Имом Бухорий мажмуаси фойдаланишга топширилгач, Самарқанд гавҳарига айланади.

Назар ЭШОНҚҮЛ,
ёзувчи.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«ММФИ» МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ЯДРО УНИВЕРСИТЕТИ» ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ АВТОНОМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ (РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ)

2018/2019 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича Москва шаҳрида магистратурада ўқиш бўйича мақсадли танлов эълон қилади:

1. Ядровий энергетика ва иссиқлик физикаси.
2. Ядро физикаси ва технологиялари.

Ўқини хоҳловчилар учун талаблар:

— талабгор бакалаврият босқичини қуйидаги таълим йўналишлари бўйича тамомлаган бўлиши лозим:

Физика, Физика ва астрономия ўқитиш методикаси, Энергетика (тармоқлар бўйича), Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича),

Технологик машиналар ва жиҳозлар (совитиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари), Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича), Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва турдош бўлган таълим йўналишлари; — рус тилини билиш; — мутахассислик фанлари бўйича билимларга эга бўлиши.

Танлов 2018 йил 29 июлдан 30 июлгача И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг (миллий тадқиқот университети) Тошкент шаҳар филиалининг ихтисослаштирилган академик лицейи биносига ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувсоз даҳаси, 84-уй.

Ёнингизда бакалавр дипломи (асли) ва паспорт бўлиши лозим.

Маълумот учун телефон рақами: (0-371) 246-08-14 (Неъматов И.)

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзловлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган кўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.

Навбатчи — Р. Шеркулов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

“Буюқ Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Тошпирилди — 04.50 1 2 3 4 5 6